# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 20 MAY, SESHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№65 (6.590). Sotuvda erkin narxda


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 май куни Оқсаройда Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маргарита Пониверни қабул қилди.***

- Италия билан ривожланиб бораётган муносабатларимизни юксак қадрлаймиз, - деди Ислом Каримов учрашувда. -Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида Италиянинг Ўзбекистонга кўрсатган эътибори ёдимизда. Мамлакатларимиз ҳозир кўплаб халқаро масалаларда ҳамфикр эканлиги ҳам ғоят муҳимдир.

Мамлакатимиз раҳбари 1996 йили Флоренцияда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганини мамнуният билан эсга олди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистоннинг мазкур тузилма билан алоқалари тарихида бурилиш босқичи бошланган, кенг кўламли ҳамкорликка тамал тоши қўйилган эди.

Ўзбекистон билан Италия ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириб бормоқда. Мамлакатимиз қатор халқаро ташкилотларга Италия томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади. Италия вакиллари эса Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган барча минтақавий ва халқаро анжуманларда фаол қатнашиб келади.

Иқтисодий соҳада ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, бож ва бошқа тўловлар бўйича қулай тартиб-қоидалар жорий этилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда саноат ва технология борасидаги алоқалар ривожига кўмаклашиш мақсадида махсус Ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Учрашувда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## АҲВОЛНИ ЎНГЛАСА БЎЛАДИ

***ЖИЗЗАХ. (ЎзА мухбири Т.Бекназаров). Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш иқтисодий ислоҳотлар жараёни, пахтачилик ва ғаллачиликнинг бугунги аҳволига бағишланди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар жараёни ўз самарасини бермоқда. Аммо кўкламнинг серёғин келиши экиш мавсумини анча кечиктириб юборди. Вилоятдаги мавжуд пахта майдонларининг ярмидан кўпроғига чигит қайта қадалди. Айни кунда саксон фоиз майдондагина чигит тўлиқ униб чиққанлиги аҳвол бир мунча мураккаб эканлигини кўрсатади. Айниқса, Зафаробод, Арнасой, Зомин, Зарбдор туманларида ғўза парвариши кечикмоқда.

Йиғилишда асосан ғўза ривожидаги сусткашликка барҳам бериш, парваришни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ғалла парваришини кучайтириш, ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан сифатли ва қисқа муддатларда ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***2002 йил декабрида мамлакатимизнинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёғингарчилик ўртача йиллик даражадан юқори бўлди. «Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига қараганда, баҳор ва ёз ойларида ҳам кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек, кўчки ҳодисалари юз бериши мумкин.***

Тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу йиғилишда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 мартдаги «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Давлат геология қўмитаси ва «Бошгидромет» бошқармаси вакилларидан ташкил этилган идоравий комиссия томонидан талай ишлар амалга оширилган.

Объектлар ва гидроиншоотлар бўйича зарур ҳимоя тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари бажарилди. Сел ва тошқинлар рўй берадиган даврда кеча-кундуз навбатчилик ҳамда сув хўжалиги ва энергетика объектлари иши устидан назорат ўрнатиш таъминланди. Сел ва сув тошқинларининг олдини олиш мақсадида вилоятлар ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарё, сой ва каналлар ўзанлари тозаланди ҳамда қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилаётган камчиликларнинг туб сабаблари чуқур таҳлил этилди. Мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Ҳукумат қарорида белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш, мавжуд муаммо ва камчиликларни тезда бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Юсупов иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***ТОШКЕНТ, (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ). Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.***

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги хамкорликда қонунчилик, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон ҳамда ЕИ парламент демократиясини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари муҳофазасини такомиллаштириш ва қатор бошқа соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди.

Музокара давомида «Ўзбекистон-ЕИ» парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг шу йил 21 май куни Самарқандда бўлиб ўтадиган тўртинчи мажлиси давомида кўрилажак масалалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур қўмитанинг илк мажлиси 2000 йил июнда Брюссел шаҳрида бўлган эди.

«Ўзбекистон-ЕИ» парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг йиғинларида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Европа парламенти вакиллари қатор вилоятларга сафар қилиб, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишади.

Европа парламенти аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлди. Меҳмонлар мамлакатимизда фаолият юритаётган ноҳукумат ташкилотлар вакиллари билан ҳам учрашди.

## МАРРАГА ОЗ ҚОЛДИ

*Хоразмдан махсус мухбиримиз Умид БЕКМУҲАММАД хабар қилади:*

***Ёш спортчиларнинг қандай куч-қудратга эгалиги, чаққон ва эпчиллиги, маҳорати, обдон синовдан ўтказишга йўналтирилган, бир неча кун муросасиз давом этган мусобақалар якуний босқичга етай, деб қолди.***

-Ушбу мусобақа биз учун чиниқиш ва синов майдони вазифасини ўтади, десак адашмаймиз, - дейди шовотлик ёш спортчи Бекзод Аҳмаджонов.

Ҳақиқатдан ҳам шу кунгача кечган шиддатли беллашувларни кузата туриб, жамоаларнинг кучи, чаққонлиги ва имкониятларини баҳолаш мумкин. Ҳозирча 5 турдан кейинги ҳолат бўйича Тошкент шаҳри биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Хоразм вилояти вакиллари эса учинчи ўринда бормоқда.

19 май куни кечган баҳсларни марра орасидаги қизғин ва шиддаткор спорт ўйинлари деса бўлади. Айниқса, Урганч қурилиш коллежида баскетбол бўйича қизлар ўртасида кечган мусобақаларда Тошкент шаҳри спортчиларининг устунлиги сезилиб турди. Пойтахтлик спортчи қизлар Андижон вилояти вакилларини 67-33 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Навоийлик баскетболчи қизлар эса сирдарёлик тенгқурларидан 39-30 ҳисобда устунликка эришдилар.



Ўғил болалар ўртасидаги баскетбол мусобақаларида ҳам пойтахтликлар пешқадамлик қилишиб, бухоролик тенгдошларини 78-46 ҳисоби билан мағлубиятга учратишди. Наманган вилояти ёш баскетболчилари эса қашқадарёлик ўсмирларни 54-30 очко билан енгиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Ҳазорасп педагогика коллежида волейбол бўйича ўғил болалар ўртасидаги беллашув ҳам муросасиз кечди. Мусобақада хоразмлик волейболчилар қорақалпоғистонлик ёш спортчиларни 3-0 ҳисобда енгдилар. Самарқанд вакиллари эса фарғоналик волейболчилардан 3-2 ҳисобда устунликка эришдилар.

Хонқа ва Боғот туманлари ўйингоҳларида ўтказилган футбол мусобақаларидан кейин эса шундай ҳолат юзага келди. Наманган-Қашқадарё-2:0, Хоразм-Бухоро – 1:0, Тошкент шаҳри-Жиззах –2:0, Навоий-Тошкент вилояти-0:2, Фарғона-Қорақалпоғистон–2:0, Андижон-Сурхондарё-2:0.

Умуман, спортнинг 12 тури бўйича ўйинлар ўта қизғин тарзда ниҳоялаб бормоқда. Бугун мусобақалар ўз якунига етиб, ғолиблар аниқланади ва уларга ҳукуматимиз томонидан ажратилган кўплаб қимматбаҳо совғалар топширилади. Кечки пайт эса "Умид ниҳоллари – 2003" спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади.



**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.**
**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «БОЙСУН БАҲОРИ»НИ ДУНЁ БИЛАДИ

***СУРХОНДАРЁ. /ЎзА мухбири Ч.ТЎХТАЕВ/. Уч кун давом этган анъанавий «Бойсун баҳори» очиқ халқаро фольклор фестивали ниҳоясига етди.***

Фестиваль ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилган Бойсун туманида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва ўнга яқин хорижий давлатлардан келган таниқли фольклоршунос олимлар, этнографлар, маданият арбоблари, фольклор дасталари, бахшилар, раққосалар, қўшиқчи-лапарчилар, халқ миллий ҳунармандчилиги усталари, каштачи-зардўзлар, либос дизайнерлари иштирок этди.

Тоғ тераклари шовуллаб турган, ўнлаб ўтовлар тикилган «Бойсунтоғ» этно-фольклор боғи амфитеатрида катта санъат байрами ўтказилди.

Уч кун давомида Бойсун ва мамлакатимиз вилоятлари фольклор дасталари истиқлол шарофати туфайли тикланаётган ва дунё аҳли эътиборини қаратаётган миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг бетакрор жозибасини кўз-кўз қилди.

Фестиваль бошланиши олдидан Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Бойсун баҳори» доирасида Марказий Осиё республикалари бахши-шоирлари ва оқинларининг анъанавий халқаро кўрик-фестивали ўтказилиб, унда элликка яқин бахши-шоир, оқин иштирок этди. Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, Шодмон Хўжамбердиев, Бобораим Маматмуродов, хоразмлик Норбек Абдуллаев, Етмишбой Абдуллаев, қашқадарёлик Қаҳҳор Раҳимов, тошкентлик Жумабек Субанов каби бахшилар, Ёқутжон Нуриддинова, Интизор Юсупова каби хоразмлик халфалар ҳамда қорақалпоғистонлик жиров Бахберген Сиримбетов, жиззахлик оқин Бейсенбай Уразбоев Бойсунда ҳам достон ва термалар айтиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди.



Томошабинлар «Бойсун» фольклор-этнографик халқ дастаси, «Қуралай» болалар фольклор-этнографик халқ дастаси, Бойсун мусиқа мактабининг «Гулғунча» фольклор дастаси, Сариосиё туманининг «Зевари», Шўрчи туманининг «Булбулигўё» фольклор-этнографик халқ дастасининг чиқишларини олқишлар билан кутиб олди.

Қўшни Тожикистон Республикаси «Боязи Кухистон», Қорақалпоғистоннинг «Аму тўлқини», Бухоронинг «Мардона» каби фольклор-этнографик халқ дасталари ижросидаги миллий, ўзига хос қўшиқ ва лапарлар барчага манзур бўлди. Бир неча йиллардан буён ўзбек ва тожик рақс санъатини ўрганаётган швейцариялик К.Даниэлла ижросидаги рақслар томошабинларга айрича завқ-шавқ бағишлади.

Фестиваль доирасидаги либослар дизайни кўригида бойсунликлар асрлар оша қадрлаб, асраб-авайлаб келган ўн етти либос намойиш этилди. Айниқса, «Минг бир кеча», «Наврўз камалаги», «Бойсун лоласи», «Шаҳризоднинг кўз ёшлари» каби либосларга қизиқиш катта бўлди. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам томошабинлар диққат марказида бўлди.

Бойсуннинг фусункор табиати, Сайробнинг асрий чинорлари, Тўда қишлоғининг тоғ манзараларини томоша қилган, Омонхона санаториясининг шифобахш сувларидан ичган хорижлик меҳмонлар, фестиваль қатнашчилари бир неча туманларда бўлиб, Сурхон элининг турмуш тарзи, уларнинг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Фестиваль миллат маънавиятининг ўзига хос кўзгуси бўлган халқ оғзаки ижоди ўз табиатига кўра халқ ҳаётига энг яқин санъат тури бўлгани боис барча халқлар учун бирдек тушунарли ва қадрли эканини намойиш этди.





**СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.**
**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## НАҚАДАР ТОТЛИ СЎЗ: ИСТИҚЛОЛ

***"Ҳазрат Одам Атодан шу вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳурриятни қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, олинган, кўп қурбонлар баробаригагина олинган..."***

Бу сатрлар муаллифи Мунавварқори Абдурашидхонов ҳақ гапни айтиб кетган. Мучал ёши нишонланажак Истиқлол миллионлаб ватандошларимиз қони ва жони эвазига олинган. Негадир мустамлакачилар элимиз бошига солган қора кунлар устида гап кетса, икки-уч босқич эсланади, холос. Ваҳоланки, 19-асрнинг 50-60-йилларида бошланган чоризм асоратидан то 1991 йилга қадар мустамлакачиларнинг қатағон машинаси ақалли бир лаҳза тинган эмас. Фақат у усулини, шаклини тез-тез ўзгартириб, ниқоблаб турган.




Хўш, баҳодир ўғлонларини урушга бериб, ўзи оч-наҳор ҳилвираб турган ўзбекнинг уйига яна ярим миллион одамни келтириб ташлаш дўстлик ва мурувватдан эдими? Ёки 15-20 йил бурун юзлаб ўзбек оиласини "кўнгилли" суратда шимол тарафларга кўчиришдан кўзланган мақсад нима эди? Шаҳарларимизга Шарқий Оврўподан ўн минглаб эмигрантларни муқим яшаш учун муттасил жўнатиб турилишидан муддао нелигини билмаймизми? Гдлян ва Ивановнинг зулмига дош бериш, "Ўзбеклар иши" деган ҳақоратни кўтариш бизга осон бўлдими?

**(Давоми 2-бетда)**

**ТААССУФ**

***Мамлакатимизда ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жадал суръатларда давом этмоқда. Айтиш мумкинки, мустақиллик шарофати бу.***

Ер ўз эгасини топаётгани боис, кўзланган натижалар ҳам чакки бўлмаяпти. Фермерлик орқасидан ҳам давлат, ҳам деҳқон, қолаверса, кўплаб оилалар манфаатдор бўлаяпти. Фермерчиликнинг ривож топишида ҳукуматимиз томонидан деҳқонга том маънода кенг имкониятлар, эркинлик яратилиб берилганлиги асосий омил бўлаяпти. Улар устидан бўлар-бўлмасга буйруқ бергувчи кўплаб қуйи бўғинлар барҳам топди.

## "КЕП ҚОЛИНГ, ЕР БЕРАМАН"

### ЁКИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АЙРИМ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ХУСУСИДА

**(Давоми 2-бетда)**

## "ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ"

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ АНА ШУ МАВЗУДА ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

⇨ Она юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган оламшумул ютуқлар, юз бераётган янгиланишлар жараёни, юртдошларимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, уларнинг фидокорона меҳнати, ўй-кечинмалари, орзу-умидлари акс этган энг яхши шеър, ҳикоя, мақола, очерк, репортаж ва фотолавҳалар танловга қабул қилинади. Улар орасидан энг саралари танлаб олиниб, газетамиз саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади.

⇨ Танловда таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлар билан бир қаторда мамлакатимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган ижодкорлар, ҳаваскор қаламкашлар, шунингдек турли соҳа вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин. Танлов шу йилнинг 8 декабр - Конституция куни арафасида якунланади ва ғолиблар рўйхати газетамизда эълон қилинади.

**Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутмоқда:**

- ✓ **1 та биринчи ўрин – 100000 сўм**
- ✓ **2 та иккинчи ўрин – 50000 сўмдан**
- ✓ **3 та учинчи ўрин – 30000 сўмдан**
- ✓ **2 та рағбатлантирувчи мукофот.**

**АТТАНГ**

***Икки йилдирки, Шеробод туманида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, ғаллачиликдаги ютуқлар салмоқли. Бу йил пахтачиликда ҳам арзирли муваффақиятларга умид қилинмоқда. Ғўзанинг ривожи яхши. Аммо...***

Шоли орасида курмак бўлганидек, баъзида ошдан "тош" чиқиб қолаётгани ташвишли. Маълумки, Шерободда деҳқончилик қилишнинг ўзи бир машаққат. Шундай бўлса-да, бир қанча хўжаликлар мўл-кўл ҳосил етиштириб, шартнома режаларини ошириб бажарди. Ҳосилдорлик ҳам кўзланганидан зиёда бўлди.

## "ПИЁЗ ҚАНЧАДАН, РАИС БОБО?"

**(Давоми 2-бетда)**

## ДАСТХАТДАГИ ЭЗГУ ТИЛАК

**ЭҲТИРОМ**

***1965 йил кузида республика ёш ижодкорларининг семинар-кенгаши бўлганди. Мен анжуманнинг энг ёш иштирокчиси бўлганман. Семинарнинг биринчи кунида Ёзувчилар уюшмаси жойлашган Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги эски бино бўсағасида тўпланиб турар эдик. Шу пайт қаердандир бўйнига фотоаппарат илиб олган суратчи пайдо бўлди. У бизни суратга тушишга таклиф этди. Иштирокчиларнинг аксарияти вилоятлардан келган ёш йигит-қизлар эмасми, шаҳар муҳитига мослашолмай ийманиб туришарди.***

Қайта-қайта суратга олса-да, ўз ишидан кўнгли тўлмади шекилли, фотомухбир бизни ҳам унутиб қўйиб, оқ кўйлак, оқ шим кийган, пешонасига дўпписини дол қўндирган кишига пешвоз чиқди.

Бўсағада турганлар орасида энтикиш, саросимага ўхшаган бир ҳолат пайдо бўлди.

-Ғафур Ғулом! – деди кимдир.

Ўзим тарбияланаётган болалар уйида кунда бўлмаса-да, кунора такрор айтилиб турадиган "Сен етим эмассан" шеъри туфайли Ғафур Ғуломни эртароқ таниганман. Лекин шоирнинг ўзини биринчи бор кўриб туришим эди.

Фотомухбир Ғафур Ғуломни ёш ижодкорлар даврасига бошлаб келди ва гинахоналик қилиб:

-Ғафур ака, буларингизга айтинг, намунча қовоқ осишмаса! Одам деган суратга жилмайиб тушади! – деди.

-Қани, яқинроқ келинглар, - Ғафур Ғулом ёнида турган икки-уч ёш йигитнинг тирсагидан олди. – Кул дегандан кейин кулинглар-да! Мана, мен папиросимдек кемтикман! Анави суратчининг боши тап-тақир, кал!

**(Давоми 4-бетда)**







**КЕЛГУСИ СОНДА:**

БЎТА БЎЗЛАГАНДА...

ОЛҒИРЛАР

ТОМДИ КЕНГЛИКЛАРИДА

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## КЕЧИККАН ПУЛ

***Раззоқ ота бу гал почтачига олиб келган нафақасидан бир тийин ҳам бермади. Олдинлари ҳар гал отанинг розилиги билан эллик сўмни олиб қоладиган почтачи бироз ҳайрон бўлди.***

-Сен олдинги ойда, - дея Раззоқ ота пулни санаб чўнтагига соларкан гап бошлади, - газ, электр ҳақига деб нафақадан уч минг сўм олиб кетгандинг. Ҳозир дафтарчага қарасам, газ ва электр ҳақи учун пулни кеча ўтказибсанлар. Бу, орадаги 29 кун уч минг сўмни айлантириб юргансизлар, шекилли. Яна қанча одамдан олгансизлар. 100 та кишидан уч минг сўмдан олсангизлар, қанча бўлади?

Почтачи Раззоқ отанинг гапларига жавоб беролмади.

-Кексалар содда экан деб ўйласангизлар, хато қиласизлар. Биламан, айб фақат сенда эмас, аммо энди сенга ҳар ойда 50 сўмни бермаганим бўлсин, - деди Раззоқ ота.

## ЎҒРИГА ЎЗИ ЁРДАМЛАШДИ

***Нурали тунги ишдан қайтаркан, олдидан кимдир келаётганини англади. Афтидан у бузилган мотоциклни етаклаб келарди.***

Атрофни тун зулмати қоплаган, ҳатто уч-тўрт йилдирки, кўчадаги биронта электр чироқлари ҳам ёнмасди. Қолаверса, у ишдан чарчаб келаётганди, шу боисдан қаршисидаги одамни танимади.

-Эй, жўра, ёрдам бервор, - деди келаётган киши дафъатан. Нурали ҳалиги кишининг мотоциклини мўъжазгина ариқдан ўтказишга кўмаклашди. Бошига шапка кийган киши ариқдан ўтган замон унга раҳмат ҳам айтмай жўнаворди. Нурали эса яна пича юриб, уйига келди. Ҳамма ухлаб қолган, шу боис уларни уйғотвормай дея, чой қўйиш учун ошхона томон ўтди. Бундай қараса, шу ерда турадиган "Восход" мотоцикли жойида йўқ. Бузилганидан бери шу ерда турарди.

Кейинчалик мотоциклни ҳовли томондан ўғри олиб кетгани маълум бўлди. Нурали шундагина ариқдан ўзининг мотоциклини ўтказишга ёрдам берганини англади.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

## ДЕВОНА

***-Маҳалламизда Фотима исмли телба аёл яшарди, - дея сўз бошлади дўстим Олимжон. – Биз болалар уни "Фотима девона" дердик. Уни қаерда кўрмайлик, масхара қилиб кулар, уятсиз гаплар билан сўкар ва ҳатто ортидан тош отиб, қочардик. Унинг жазавага тушиб, ортимиздан қувлаши ҳам бизларга завқли туюларди.***

Бир куни уйимизда у ҳақда сўз кетди. Шунда мен қувончим ичимга сиғмасдан Фотима девонани нима деб сўкканимизу, мен отган тошнинг унинг бошига қандай текканини болаларча ҳаяжон билан гапириб бердим. Назаримда, ҳаммани қойил қолдираётгандек, дадам ҳам менинг мерганлигимга тан берадигандек эди. Аммо сўзимни тугатишим билан юзимга тарсаки тушди.

-Аҳмоқ, - дедилар дадам ғазабдан оқариб. – Агар шу Фотима опа бўлмаганида, сени деб онанг телба бўларди, ярамас...

Қўрқиб йиғлаб юбордим. Онам мени бағрига босиб, юпатган бўлди.

-Қўйинг, дадаси, бу ёш бола бўлса, қаердан ҳам билсин... Билмасдан Фотима холасини хафа қилиб қўйибди-да... Энди бошқа унақа қилмайди. Шундайми, қўзичоғим...

Шу воқеадан кейин Фотима девонани баттар ёмон кўриб қолдим. Бироқ энди унга умуман қаттиқ гапирмас, устидан кулмасдим...

Йиллар ўтиб мен ҳам улғайдим. Яхши билан ёмоннинг фарқига борадиган бўлдим. Ўшанда дадам Фотима хола нима учун мени деб шу кўйга тушганини айтиб бердилар...

Фотима холанинг болалари ёшига етмасдан нобуд бўлаверган экан. Энг кенжаси, Турсунбой исмли ўғли эса мен билан тенгқур бўлган. Бир куни қишлоқни сел босибди. Тақдирни қаранг, ҳовлимизнинг ўртасидаги лойсупани ўпириб юборган кучли оқим супадаги мен ётган бешикни ҳам оқизиб кетиб, уйимиз ёнидаги каналга итқитибди. Бешик қайиқ мисоли оқиб кетармиш... Онамнинг дод-фарёди оламни тутибди. Аммо ёрдам қўлини чўзадиган бирон киши топилмабди. Баҳорнинг охири, иш авжи қизиган палла, қишлоқдагиларнинг деярли ҳаммаси далада экан. Шунда бизга девор-дармиён қўшни бўлган Фотима хола шошганидан Турсунбойини ҳовлиси этагидаги ғўзапоялар тепасига қўйиб, ўзини каналга ташлабди ва минг машаққатлар билан бешикни юқорига олиб чиқибди. Мени сел чиқолмайдиган тепаликка қўйган маҳалида унинг ҳовлисидаги ғўзапоя уюми оқимга дош беролмай, ҳар томонга сочилиб кетибди...

Фотима хола кейин кўп яшамади. Мен тўртинчи синфга борган йилим вафот этди. Унинг каталакдек кулбасига тумонат одам йиғилди. Ўшанда дадам устимга чопон кийгизиб, "Фотима холанинг ўғли бўлиб сўнгги йўлгача йиғлаб кузатиб бор", деганлари ҳамон ёдимда...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## ХУСУМАТ

***Бир пайтлар оши ўртада бўлган қўшнилар парча ерни талашиб, бир-бирига ёв бўлди. Икки ҳовлини ариқ кесиб ўтарди, энди бунга ҳам қаноат қилмай ўртадан одам бўйига уч баравар келадиган девор уришди.***

Қишлоқдагилар уларни – Маматхонни ҳам, Қудратни ҳам аҳил оила билишарди. Энди эса ҳар иккисининг тўй-маъракада жанжаллашиб, бир-бирининг ёқасидан тутишига кўникиб ҳам қолишди. Бир гал Қудрат хусумат билан "Ҳали сенинг уруғингни қуритмасам, юрган эканман Қудрат бўлиб" дея онт ичди. Маматхон бир пайтлар дилига яқин бўлган одамдан бу гапни эшитиб сесканиб кетди. Кўнглидаги аламли оғриқ нафратга айланди. "Ўзингни ким деб ўйлайсан, танобингни тортадиганлар бор", дея олди, холос. Лекин бир кўнгли "айтди-қўйди-да", деб ўйлади. Ва шу тариқа Қудратнинг чиркин онти унут бўлди.

Одам шайтонга осон эл бўларкан. Қудрат ҳам шу кундан чора излашга тушди. Уни ўйлади, буни режалаштирди, охири даҳшатли бир режасидан қониқиб завқланди.

Қиш чилласи бўлгани учун Маматхон икки ўғлини уйида қолдириб эр-хотин шаҳардаги қариндошиникига тўйга кетишди.

Қиш кунлари қишлоқда кеч саккиздан тонггача чироқ ўчирилади. Бундан Қудрат устамонлик билан фойдаланди.

Эрта тонгда Маматхоннинг кенжа ўғли тухум ейман, деб хархаша қилди. Ҳали ота-она тўйдан қайтмаганди. Акаси ука инжиқлик қилмасин учун ошхонага йўл олди. Газ плитасининг устида турган товага ёғ солинган. Ака бунга эътибор ҳам бермади. Оловни ёқди-да битта тухум чақди. "Ака, тухум..." деб юрган укасига қовуриб пиширилган тухумни берди-да, молга емиш ташлагани кетди. Қайтиб уйга кирганда укаси жон талвасасида типирчилаб ётар, юз-кўзи кўкариб кетганди. Ака додлаб кўчага югурди...

Қудрат Маматхоннинг уйида одамлар тўпланиб қий-чув кўтарилгандагина қилмишидан даҳшатга тушди. Ёғга маргимуш солиб плита устидаги товага қуйиб кетганининг аянчли оқибатини кўриш даҳшат эди.

Қудрат жиноий жавобгарликка тортилиб, оиласида ҳаловат йўқолди. Маматхон эса суюкли ўғлидан ажраб телбанамо бўлиб қолганди.

**Гулчеҳра БОБОБЕКОВА**

# НАҚАДАР ТОТЛИ СЎЗ: ИСТИҚЛОЛ

(Боши 1-бетда)

Томирида Тўмарис момонинг, Широқнинг, Жалолиддин Мангуберди ва Темурмалик, Соҳибқирон Амир Темурнинг қони оққан ўзбек қараб тургани йўқ.

1898 йил ёзда Андижонда Дукчи Эшон бош кўтарди. Элнинг бир бўлаги "Юлдуз – Андижон осмонида!" шиори остида озодлик жангига отланди. Уни майдонга "Она-Ватани, она юрти учун жонфидо, халқини ғайридинлар тепкисидан халос этмоқ учун, наинки мол-мулкини, ҳатто жонини тиккан жасур инсон" (Саъдулла Сиёев таърифи) Дукчи Эшон бошлади. Аввалига у маҳфий маслаҳатни пишитди, сўнг ўз қавмини, водийнинг нуфузли кишиларини курашга даъват этди. Чунончи, Андижон шаҳридан Муҳаммадалибой Холмирзабой ўғлига, Самий охунд ва Холиқберди охундга, Ўшдан Қурбонжон додхоҳга, Марғилондан Муҳаммадюсуф эшон ва Сайид Аҳмадхўжага, Намангандан Яхёхонтўра ва Қодирхўжа эшонга пинҳона хатлар юборди...

Дукчи Эшон фожиаси ҳақида кўп ёзилган. Бинобарин, қўзғолоннинг қонга ботирилиши, қишлоқнинг теп-текис қилиниб, ер рус мужикларига бўлиб берилиши, минглаб одамларнинг қатл этилиши, мард Эшон ва исён етакчиларидан ўнлаб андижонликларнинг дорга тортилиши – бари айтилган гаплар.

Аммо манови гапни яна бир эслайлик: Дукчи Эшон бир неча кун муттасил сўроққа тутилади, даҳшатли усуллар билан қийноққа солинади, аммо душман кутган бирорта сўзни айтмайди, ҳеч бир маслакдошини сотмайди. Жабр-зулм жонидан ўтган чоғлари:

-Алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ, - дейиш билан кифояланади.

"Дукчи Эшон воқеаси" китобида шундай эпизод бор: "Ўша вақтда кимлигидан қатъий назар, оқ тўппи кийган бўлса, истибдод солдатлари "Сени эшон" деб тутиб урар эди. Ёки салла ўраган киши учраса, уни албатта Йикчи (Дукчи) Эшоннинг муриди гумон қилиб тутар, сўроқсиз қамар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва расмий фуқаролари салласи билан бозорга чиқолмай қолди..."

Чортоқлик илк муаллим мулла Нормат Ҳамдамов фожиасини эшитганимда юқоридаги сатрларни эсладим. Мулла Нормат 1918 йили Тошкентда ўқиган, қишлоғидаги мактабда ҳам мудир, ҳам ҳисоб ва жуғрофия муаллими эди. Раҳматли дарсдан қайтаётганида суворий "қизиллар"га дуч келади. Шунда... Мовийкўз аскарнинг қиличи ишга тушади...

Чунки ўша қотил ғанимларимизнинг мактабида шундай ғаразли "сабоқ" олганди:

-Босмачи дегани чопон ва этик кияди, бошида ё салла, ё дўппи бўлади. Афтига яхшироқ қарайсан: албатта, ё соқол, ё мўйлови бор. Ниқобланиш учун кетмон кўтариб олган бўлади, аслида кетмон ҳам совуқ қурол.

Айтинг-чи, таърифланган одам кимга ўхшайди? Саксон-тўқсон йил бурун яшаган соддагина, миллий либос кийган ўзбекка эмасми? Аниқки, Фрунзе каби қўмондонлар айни ўзбекка қарши (босмачига эмас) эрк ва озодлигимизга қарши қурол кўтариб келгандилар. Иннайкейин, шу ўринда тағин бир савол:

-Нега энди миллий-озодлик учун бош кўтарган халқ қасоскорлари бутун дунёда 1812 йилдан бери ПАРТИЗАН деб ном олади-ю, фақат ўзбекларгина БОСМАЧИ деб ҳақоратланади?

Аслида босмачи ким эди? Айни ўша Фрунзе ва унинг сафдошлари эмасми? Бухорода 1920 йилнинг августида бошланиб, сентябрда якунланган талончилик Амир Саид Олимхоннинг хазинасини 14 вагонга юклаб Оврўпога жўнатиш билан ҳам хотималанмади. Бухорони аёвсиз талашди, босқинчи қизил аскарларнинг ҳамёни қаппайди. Бундан ташқари амирнинг хазинабони 173 тонна кумуш ва 3 тонна тоза тиллони Бухоройи шарифнинг хундор душманларига мажбуран ўз қўли билан топширди.

Гап "босмачи" устида кетса, вагонлаб олтин-кумушни Адмирал Колчакдан (унинг ҳам қаерлик эканини эслаб олинг) ўзга яна қайси босмачи кўрган. Фақат Фрунзе! Амир Саид Олимхон ҳақидаги сўзнинг давоми: у Бухородан кетишга мажбур бўлгач, Ғиждувонга йўл олади, ундан сўнг Душанбе тарафга. Табиийки, салтанатнинг бир қисм бойлигини сўнгги ҳукмдор ўзи билан бирга олганди. Орадан 50 йил ўтгач, ўшанда аълоҳазратга "ҳамроҳ бўлган" тиллонинг каттагина қисми Тошработда ер кавлаётган экскаваторнинг "чангали"га илинди. Чамаси шошган карвонга юк оғирлик қилган-да, хазинанинг бир бўлаги Тошработда кўмиб қолдирилган ва афсуски, бу ҳам илмий-тарихий қимматини аниқлаш ниқоби остида Москвага олиб кетилган, дейишади. Бундан ташқари Бухоронинг энг нодир, энг қимматбаҳо осори атиқалари ҳам ўша ёқларга жўнатилган. Бу "маданий" босмачилик 70 йилдан ортиқ давом этди.

Майли, зар-зевар-ку садқаи сар, элнинг боши омон бўлса, бойлик топилади. Аммо инсон дунёга бир марта келади, шаҳидлар қайта туғилмайдилар. Мустабид замонда Дукчи Эшон ва Намоз ботир каби оталардек лак-лак ватандошимизнинг қони тўкилди. Алалхусус, 1916 йили қарийб олти ой давом этган халқ қўзғолонида 673 минг киши қурбон бўлди, 163 минг одам турли тарафларга бадарға қилинди, 300 минг ўзбек Шарқий Туркистонга қочиб жонини сақлади.

Аммо бу азоб-уқубатлар 1917 йилнинг кузида бошланиб, 73 йил муттасил давом этган хунрезлик олдида ҳеч нарса бўлмай қолди. Ўша йилнинг сўнгги икки ойида биргина Фарғона водийсининг ўзида 84 минг аҳоли талончиликдан жабр кўрди. 1918 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси мазлумлар давлати бўлмиш Қўқон мухторияти қонга ботирилди. Водий халқининг иродасини букиш учун большавойлар армияси шафқатсиз уруш бошлади. Мана ўшанда элнинг бошига тушган кулфатлар кўлами акс этган рақамлар: 1918 йилнинг баҳоригача 180 дан ортиқ қишлоқ ёндирилди, Марғилонда 7000, Андижонда 6000, Наманганда 2000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлокда 4500 киши қатл этилди...

Истиқлол – бебаҳо неъмат. Унинг тухфалари шунчалар кўпки, санаган билан адо бўлмайди. Аввало, у эрк ва ўзлигимизни қайтариб берди, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилайдиган бўлди. Энди унинг ўз давлати ва ўз ПРЕЗИДЕНТИ бор.

-200 га яқин давлат сиққан харитада Ўзбекистон учун жой йўқмиди?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида битта ўзбек арбобига курси танқисмиди?

-Ёнгинамиздаги Қобулга, Деҳли ё Карачига Тошкентдан учган самолёт аввал Москвага салом бериб келмаса, ўзбекнинг зиёрати қабул бўлмасмиди?

-Айтинг-чи, қирқ йил бурун Ўролга етказиб берилган Бухоро газини Намангандан атиги 60-70 чақирим наридаги қишлоққа олиб келиш шунчалар қийинмиди?

-Россияда, Украинада, Белорусда автомобиль ишлаб чиқариш мумкин-у, бизда мумкин эмасми?

-Жумлайи жаҳоннинг мусулмонларига раво бўлган Ҳаж сафари ўзбек учун нега тақиқланди?

Давлатимизнинг биринчи Президенти ижод қилган Истиқлол ана шу минг бир саволнинг ёлғиз жавоби эди.

Ҳали ҳам саволлар кўп. Лекин уларнинг барига ўзимиз, ҳеч қачон ўзгалар кўзига жавдирамай жавоб топамиз. Керак бўлса, кўнгли қора ёвларнинг ёқасидан тутиб жавоб талаб этамиз. Чунки, бошимизда Истиқлол офтоби, қўлимизда маърифат машъали, қалбимизда эса Ватан муҳаббати бор. Озодлик бардавомки, фасллардан фаслларга гул очиб, наслардан наслларга тоза ва гўзал бўлиб етмоғи аниқ.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Шаҳрисабздаги "Оқсарой тўқимачи ЛТД" Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонаси ишга тушганига бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Шу қисқа муддат ичида корхонада 7 минг тонна пахта қайта ишланиб, 4211 тонна ип-калава ва 973 тонна трикотаж экспорт қилинди. Эришилаётган ютуқларда илғор йигирувчи-оператор Нилуфар Холиқованинг ҳиссаси катта бўлмоқда.**

**СУРАТДА: Нилуфар Холиқова.**

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.



# "КЕП ҚОЛИНГ, ЕР БЕРАМАН"

(Боши 1-бетда)

Ўзини ҳақиқий фермер хўжалик деб ҳисоблаётган минглаб тадбиркор инсонлар юқори ҳосил етиштириш, ўзи яшаб турган маҳаллаларни обод қилиш, ишчи ўринларини кўпайтириш бўйича хўжалик қошида кичик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш масалаларига жиддий аҳамият беришаяпти. Албатта, буларни кўриб, кўнглимиз тоғдай юксалади. Аммо...

Яқинда хизмат юзасидан Ғаллаорол туманида бўлдик. Ҳоким қабулхонасида тасодифан 74 ёшли Кенжа бобо Мирзаев билан суҳбатлашиб қолдик. У кишининг дардларига қулоқ тутдик. Бобонинг қош-қовоғи осилган, недандир норози эканлиги билиниб турарди.

-1999 йилнинг 27 январида туман ҳокимининг 49-сонли қарори асосида 80 гектар лалми ер майдони ажратилиб, ўғлим Ўрол Мирзаев билан бирга "Осмонбулоқ" фермер хўжалигини ташкил этган эдик, - дейди у киши. – Фермерчилик-ку яхши экан, аммо экин экишда кўрсатма берувчилар жонга тегди...

Фермер хўжалиги собиқ "Қипчоқсув" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган экан. Фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиб, бу борада тегишли ахборот тўплаш ва журналист текшируви ўтказиш ниятида туман бош ер тузувчиси Абдували Хидиров ҳамроҳлигида айтилган манзилга йўл олдик.

-Ўтган йили кузда мавжуд 80 гектар майдоннинг 31,2 гектарига лалми ғалла экканман, - дея дуркун униб чиққан ғалла майдонини кўрсатади фермер бобо. – Аммо туманимизнинг янги ҳокими қолган 32,8 гектарига ҳам ғалла экасан, дея тинчлик бермаяпти.

-Нима, уруғлик йўқми? – сўрайман Кенжа бободан.

-Ҳамма нарса бор, аммо бу ерга ҳеч нарса экиб бўлмайди. "так-так" деган ёввойи ўсимлик пайдо бўлади-ю, ҳосилни йўққа чиқаради.

Ғалла майдонини ораладик. Бобо айтган ёввойи ўсимликдан асар ҳам йўқ. Чунки мавжуд 80 гектарлик ғаллазорнинг ҳаммаси бир адирликдан берилган. Бу ерда қандайдир сир борга ўхшади. Фермерни яна саволга тутдим.

-Ғаллангиз яхши униб чиқибди, қолганига ҳам экканингизда ўзингиз, ёлланма ишчиларингиз ҳам манфаатдор бўлиб, омборингиз буғдойга тўларди. Шартномани бажармадинг, дея ҳеч кимдан гап ҳам эшитмасдингиз. Нима бўлганда ерни увол қилибсиз-да...

-Кенжа бобонинг "так-так" баҳонаси ҳар йили такрорланади. Хўжаликдаги кўплаб фермерлар ҳам шундай қилишади. Уларни назорат қилувчи одам топилмайди. Буларнинг ҳаммаси шартномалар қоғозда қолаётганида, - дея куюнади туман бош ер тузувчиси Абдували Хидиров.

Ер тузувчининг айтишича, ўз мансабини суиистеъмол қилгани учун туман маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси инспектори ишдан олинибди.

-Апрель-май ойларида тумандаги фермер хўжаликларининг ерлари қайтадан ўлчаб чиқилди, - дея сўзида давом этди ер тузувчи. – Кенжа бобога ажратилган экин майдони 9,2 гектарга ошиғи билан чиқаяпти. Собиқ "Қипчоқсув" ширкат хўжалиги ер тузувчиси Гулбой Ҳақбердиевнинг айби билан ерлар ана шундай талон-торож қилинган.

Туман ҳокимлиги, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари бундай қонунбузарликларга қарши бирон чора кўрмаган. Ҳозирда собиқ ширкат хўжаликлари бир думалаб агрохизмат марказига айлангани-ю, мансабдор шахслар эса "эски ҳаммом, эски тос" қабилида иш юритаётганига нима дейсиз?

-Фермер бўлганингизга ҳам 4 йил тўлибди. Келинг, дўппини ерга қўйиб ўтган йиллар ҳосилини сарҳисоб қилайлик, - дейман Кенжа бобога.

-1999-2000 йиллар 70 гектарга ғалла экканман, об-ҳаво ёмон келиб бир кило ҳам ҳосил бўлмади. 2001 йили 20 гектарга экиб, давлатга 7 тонна 250 килограмм ғалла топширдим.

-Қолган 44 гектарига нима экдингиз? – яна сўрайман фермер бободан.

-"Так-так" чиқиб кетди-да...

-Шартномага амал қилмадинг, дея ҳисоб сўрамадими?

-Мен мустақил фермерман. Ҳукумат томонидан эркинлигимиз кафолатланган, шундай экан, ҳеч кимга ҳисоб бермайман! - дея лўнда жавоб қилди у киши.

Фермернинг бундай жавобини эшитарканмиз, очиғи, ҳайрон бўлдик. Демак, тегишли идоралар томонидан деҳқон ва фермерлар ўртасида шартнома назорати бўйича зарур тушунтирув ишлари олиб борилмас экан-да, деган хулосага келдик.

-Кенжа бобо, ёшингизни ҳурмат қиламиз. Очарчилик, қаҳатчилик замонларниям бошдан ўтказгансиз. Шундай экан, ернинг ҳар бир қаричи тиллога тенглигини ҳам биласиз. Ерни эпламасангиз бошқа фермерларга бермайсизми, увол қилгандан кўра, - дейман афсус билан фермер бобога юзланиб.

-Ерни увол қилганим йўқ, болам, бу нима деганингиз? Хўжалигимиздаги Тошбулоқ, Охунбобоев қишлоқларида яшовчи одамлар ҳар йили фойдаланиб келаяпти. Мана, масалан, Шодиёров Мурод, Шодиёров Саид, Жавкулов Мамат, Шоғдоров Алибой, Сулхонов Турди кабиларга 2 гектардан оғзаки шартнома билан ер берганман. Рўйхатни давом эттирсам улар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳар йили қовун-тарвуз экишиб, миннатдор бўлишаяпти. Бизгаям кузга келганда 5-6 та тарвуз беришади, холос. Беш бармоқни оғзимга тиқмаганман. Ўзим ҳам 17 гектарга масхар, 2 гектарга нўхот экканман...

Нақадар "олийҳиммат", "олижаноб" фермер. Туманда бундай "қўли очиқ" фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Очиғи, "халқпарвар" фермерга гап уқтириб бўлмади. Ноилож туман марказига қайтдик. Йўлда келарканмиз, туман бош ер тузувчиси Абдували Хидировдан мавжуд экин майдонларининг қайта ўлчанган мониторингини (назорат ўлчови)ни сўрадик.

-Тўғри, фермерларга хуфёна тарзда белгиланганидан ортиқча ер майдонлари берилишига йўл қўйилган. Узр, туман ҳокимининг рухсатисиз бу рўйхатни сизга беролмайман...

"Ойни этак билан ёпиб бўлмайди", "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деган халқимизнинг ҳаёт чиғириқларидан ўтиб, ўз исботини топган мақоллари бор. Демакки, ер тузувчи ернинг қанчалик талон-торож этилганлигини яширгани билан барибир вақти келиб, ғалвир сувдан кўтарилади. Эл ризқига хиёнат қилиб, бой бўламан, обрў топаман дегувчилар янглишадилар.

Туманда киши ёқасини ушлаб, ҳайрон қоладиган ғалати ишлар ҳам содир бўлиб тураркан. Балки мутасаддилар бундай ҳолни кўраверибб ўрганиб кетишгандир. Мазкур туманнинг собиқ Э.Исмоилов номли ширкат хўжалиги ҳудудида ўтган йили иш бошлаган "Дилмуҳаммадҳожи" фермер хўжалигида бўлганимизда юқоридаги вазиятга қарама-қарши бўлган ҳолатга дуч келдик. Фермер хўжалиги 2002 йилнинг 25 сентябрида туман ҳокимининг №1109-сонли қарорига асосан ташкил этилиб, 40 гектар лалми ер ажратилган. Фермер хўжалиги раиси Уйғун Султонов мулкдор бўлганидан севиниб, фермерга хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартнома тузади.

-Далага уруғни қадайман деб келсам, менга ажратилган ер 10 гектарга кам чиқди, - дейди фермер куйиниб. – Тезда ширкат хўжалиги раиси Маматолиб Жўрановга учрашдим. "Ҳал қиламиз", дейишдан нарига ўтмади. Далага уруғ, техника олиб келганман, мажбуран 30 гектарга экдим. Мана, ҳалигача 10 гектарнинг можароси тугагани йўқ. Ахир дон қабул қилиш пункти билан 40 гектарга контрактация шартномасини имзолаганмиз. Йўқ жойдаги 10 гектардан олинадиган 10 тонна-ю 500 килограмм ҳосилни қаердан олиб бераман? Пулга чаққанда 611 минг сўмни ташкил этади бу...

Фермер билан биргаликда собиқ Э.Исмоилов номли ширкат хўжалиги раиси М.Жўрановни излаб топдик. Фермерни ёқтирмайгина қарши олди.

-Ҳа, яна ер масаласими? – оғриниб сўради раис. – Январ ойида етмаётган еринг ўрнига бошқа картадан ажратгандим-ку?!

-Раис бова, сиз билан январдан кейин ҳам 10-15 марта учрашдик. У ернинг эгаси бор экан-ку. Ерни ҳайдатай десам, тракторнинг олдига тушиб олди. Сал кунда ғалла ўрими бошланади. 10 гектарнинг буғдойини сиз тўлайсизми?!

-Нима, сенга биров фермер бўл, дедими, тўла-да энди, - деди у киши жаҳл билан.

Ёш фермер ҳам бўш келмади.

-Сизни судга бераман! Ҳам маънавий, ҳам моддий зараримни қоплайсиз.

Шундан сўнг собиқ ширкат хўжалиги раиси, ҳозирда «Агрохизмат» (Тавба «агрохизмат» деганлари деҳқонннинг хизматкорими, ё унинг елкасига минган, ерни, ўғиту ёнилғини сотувчи, узр, бўлувчими?) директори мансабида ўтирган М.Жўрановдан муаммонинг сабабини сўрадим.

-Тўғри, "Дилмуҳаммадҳожи" фермер хўжалигига 40 гектар лалми ер ажратилган. Бироқ, ер ўлчовчимизнинг айби билан 7 гектари қўшни Пайариқ тумани Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли ширкат хўжалиги ерларидан ўлчаб берилган. Яқинда республика Ер ресурслари Давлат қўмитаси вакиллари билан ўша ерни кўриб чиқдик, ҳал бўлиши керак...

Қачон? Ёш фермер кимларнингдир айби билан давлатга топширилиши лозим бўлган ғаллани тополмай қулоғигача қарзга ботгандами?

-Чорвага ҳам ер қолмади. Сизга ўхшаган "катта"лар давлатнинг экин майдонлари ҳисобига кирмаган яйловларни ҳам ҳайдатиб, аҳолига томорқа учун бериб юбораяпти. Меникини ҳам кимларгадир ижарага бериб юборгандирсиз-да, - деди фермер киноя билан. Директор жим қолди...

Фермерлар қанчалик ҳақ ёки ноҳақ? Буни вақт кўрсатади. Аммо бундай салбий ҳолатга туман ҳокимлиги ва маъмурий идоралар раҳбарларининг томошабин бўлиб тургани, юмшоқроқ айтганда, инсофдан эмас.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# "ПИЁЗ ҚАНЧАДАН, РАИС БОБО?"

(Боши 1-бетда)

Гоҳо ҳайрон қоласиз. Ўзини ўнглаб олган бир қанча хўжаликлар негадир яна қолоқлик ботқоғига тушиб қолишди. Ҳеч нарса сабабсиз бўлмайди. Ер – катта бойлик. У элнинг ризқини етиштириб беради. Лекин айрим ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари эл манфаатига нописанд қарамоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ерларидан режада кўрсатилмаган бошқа экинларни экишган. Ердан фойдаланиш ҳақидаги қонунларни билсалар-да, ҳамёни, шахсий манфаатлари йўлида мансабини суиистеъмол қилишиб, ерни талон-торож қилганлар. "Қилаётган қонунбузарлигимизни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким кўрмайди", қабилида иш тутишиб, одамлар кўз ўнгида пахта экиладиган катта-катта майдонларга пиёз, карам ва бошқа шартномага кирмаган экинларни экишганига нима дейсиз? Туман прокуратураси текширувларида буларнинг барчаси очиқ аён бўлди.

"Дўстлик" ширкат хўжалигини олайлик. "Балиқ бошидан..." деганларидек, хўжалик бошқаруви раисининг ўзи биринчи бўлиб қонунни бузган. Нафснинг ҳакалак отганини қаранг, у 12 гектар ерга пиёз, 3 гектар ерга тарвуз, ярим гектарга карам эктирган. Оддийгина, беозоргина рақамларга ўхшайди. Лекин бир "чўтга" ташланг. Ақлингиз шошади. Раис бу ерлардан миллион-миллион сўм пулни кўзлаган. "Раисликнинг кучи шунда-да, мушугингни ҳеч ким "пиш" деёлмайди", деб хаёл қилган. Бугун юрт олдида юзи шувут бўлиб турганига нима дейсиз?

Жилов қўлдан кетса, ёмон экан-да. Тартиб-интизом йўқолиб, қонунбузарлик "болалайверади". Мазкур ширкат хўжалигида Т.Хушбоқов бошлиқ фермер хўжалиги бор. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганлари шу бўлса керак. Фермер ҳам анойи эмас экан. Раисга қараб қадам олди. "Бизга шуям бўлади", деб фермер Т.Хушбоқов 1,20 гектар ерга карам экиб юборди. Ори борлар "Фермер ака, пахта экиладиган ерга карам қадаманг", дейишди. Ўшанда фермер "Карам кўп бўлса, чўнтакка-да-а", деб кулган эди. Бугун фермер ҳам қонун олдида бош эгиб турибди.

О.Ҳазратқулов бошлиқ фермер хўжалиги ҳам анча ерга ноқонуний тарзда картошка экди. Фермер "ҳеч ким билмайди", деб хурсанд бўлиб юрганди. "Дўстлик" ширкат хўжалиги ҳудудида жами 18 гектар ерга режада белгиланмаган экинлар экилгани маълум бўлди. Туман ҳокимлиги ва туман прокуратурасининг қатъиятлилиги билан қонун бузилиши зудлик билан бартараф этилди. Бу майдонлар тезкорлик билан шудгорланиб, текисланиб, пахта экилди. Айбдорлар қилмишига яраша қонун доирасида тегишли жазоларини олдилар.

Шу ўринда яна бир ҳолатга тўхтаб ўтиш лозим. Ширкат хўжалигининг бош муҳандиси Фахриддин Насриддиновнинг "тадбиркор"лиги антиқа бўлиб чиқди. 10 гектар ери бор. Қонунга беписанд қараб, ўзбошимчалик билан салмоқлигина майдонга карам эккан.

Исо Термизий номли ширкат хўжалиги раисининг "ҳунари" янаям ошиб тушди. "У ўзим хон, кўланкам майдон" қабилида иш тутди. "Раис бўлсам, кимдан қўрқаман" деб ўйлади, шекилли, қонундан кўз юмди. 8,5 гектар ерга эртаги пиёз экиш борасида топшириқ берди. Бошлиқнинг сўзи – сўз. 8,5 гектар ерда пиёз барқ урди. Гўё "Мен 20 миллион сўм пул бўламан", деётгандай. Пиёзнинг бундай мавж уришида сир бор экан. Раис юзинг-кўзинг демай, хўжалик экинларига келтирилган 800 килограмм азотли ўғитни пиёзнинг "бағрига" берди.

Туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси бу ҳолни эътиборсиз қолдирмади. Хўжалик бошлиғи ўз жазосини олди. Ҳозир ўша 8,5 гектар ердаги экилган чигит бир текис униб чиқди.

Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги раҳбарлари "Қўшнилар экишаяпти-ку, биз ҳам эксак, нима бўпти?", деб фикр қилишди. Хўжаликнинг 2 гектар ерига пиёз, 1,5 гектарига кўкат экди. Ахир, буларнинг бозори чаққон. Кеча-ю кундуз харидор келади. Яхшигина, лўндагина даромад қилиш мумкин, дейишди. Бугун савол кўндаланг қўйилди: "Қонунни бузиб, ерни талон-торож қилиб, режада йўқ экинни нима учун экдингиз?". Бошлиқларнинг боши эгилди.

В.Қодиров номли ширкат хўжалиги раиси ҳам "Ҳоким билиб ўтирибдими, прокурор кўриб ўтирибдими?" деб ўйлади, ўзича. Катта йўлдан чеккароқда, 10,6 гектар ерга пиёз ва 3 гектар майдонга кўкат эктирди. Бу билан раис қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш талабларини қўпол равишда бузди.

Бир сўз билан айтганда, туман бўйича 53,16 гектар ерга пиёз, 5 гектар ерга кўкат, 4,70 гектар майдонга карам, 3 гектар ерга тарвуз ва 0,30 гектарга картошка экилган. Жами 66,16 гектар ерга режада кўрсатилмаган қишлоқ хўжалик экинлари экилган.

Қонунбузарликка йўл қўйган 5 нафар фермер хўжалиги раҳбарларига, В.Қодиров номли, Исо Термизий номли, Усмон Юсупов номли ҳамда "Дўстлик" ширкат хўжалиги раисларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Мазкур 66,16 гектар ер шудгорланиб, тўлиқ пахта экилди. Пиёз ва карам ўрнида униб чиққан ғўзалар барқ уриб ўсаяпти.

**Ж.МАҲМАДАМИНОВ,**
**Шеробод туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**



**Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон деб аталмиш она-Ватанимиз заминида улкан ғалла хирмонлари яратилаётир. Мисли кўрилмаган тарихий одимлар ташланди. Тегирмонлар ўлкамиз далаларида етиштирилган буғдойдан ҳаракатга келса, тандир тўла ёпилаётган нон ўзимизнинг буғдойдан тайёрланаётган бўлса, бундан ғурурланмай бўладими?!**

## “Роҳат муяссар бўлмас, то чекмасанг машаққат”

Агар мамлакатимизда 1990 йили 2 миллион тоннадан ортиқроқ ғалла олинган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 5 миллион 400 минг тоннага етди. Ғалла экиладиган майдонлар ҳам икки бараварга ортди.

Донни қайта ишлаш корхоналарининг мўътадил ишлаб туриши, дастурхонларимизнинг неъматлар султони – нонга тўлиб-тошиши ғаллакорнинг шарофатидан, унинг тинимсиз меҳнатидан.

Дон маҳсулотлари корхоналарида ун, ёрма, омихта ем, нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлида қирқ мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишаётир. “Ўздонмаҳсулот” Давлат-акциядорлик корпорацияси тизимида турли хил мулк шаклидаги 279 та корхона, шу жумладан 142 та очиқ ва ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, 47 та масъулияти чекланган жамиятлар, 27 та хусусий ва 19 та қўшма корхоналар мавжуд.



Тармоқда 53 та дон қабул қилиш корхоналари, 2 та тайёрлаш элеваторлари, 120 та ёрдамчи шохобчаларда дон қабул қилинади. Кейинги 5 йил мобайнида дон кўп ишлаб чиқарувчи вилоятларда 50 дан ортиқ доимий ва вақтинчалик дон қабул қилиш шохобчалари очилди.

Халқимизда катта хайрли ишлар бошланиши аввалида республика ва вилоят миқёсларидаги машваратлар ўтказиш анъанага айланган. Бу гал ҳам шундай бўлди. “Ўздонмаҳсулот” Давлат акционерлик корпорацияси тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят акциядорлик уюшмалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, нон корхоналари мутахассислари, Республика акциядорлик-тижорат “Ғаллабанк” раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Наманганда семинар-кенгаш бўлди. Кенгаш иштирокчилари Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида дон қабул қилиш пунктларида ғалла ўрим-йиғим мавсумига тайёргарлик аҳволи билан танишдилар. Нон ишлаб чиқариш корхоналарида бўлдилар. Кенгашга ташриф буюрганлар “Наманган-донмаҳсулот” акционерлик уюшмаси бош корхонасида жорий йил Наврўз шодиёналари арафасида иш бошлаган бир кеча-кундузда 250 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳобатли, ишлаш жараёни ниҳоятда мураккаб, иш унумдорлиги жуда юқори, сифатли ун чиқарадиган тегирмон фаолияти билан танишдилар. Дарҳақиқат, эски ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнига Швейцариянинг “Бюллер” фирмаси технологияси асосида Россия Федерацияси ҳамда Украина Республикасида тайёрланган тегирмон дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Янги дастгоҳлар ўрнатилиши корхона учун харажатларни камайтирди. Илгари 1 тонна ун ишлаб чиқаришга 54 минг сўм сарфланарди. Янги тегирмонда эса 1 тонна ун тайёрлашга 23 минг сўм харжланади. Корхона шу ҳисобга бир йилда 1 миллиард 856 миллион сўм маблағ иқтисод қилади. Эски тегирмонни юргизиш ва ўчириш учун бир ярим соат вақт зарур бўларди. Янгиси эса атиги беш дақиқада юргизилиб, бир дақиқада ўчирилади. Хуллас, бу дастгоҳларда тайёрланаётган ундан бозор рақобатига бардош берадиган нон, нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга имкон туғилди. Меҳмонлар шундай маҳсулотлар кўргазмаси билан танишиб ҳайратларини яшира олмадилар. Оппоқ, сифатли, мағзи ширин, хуштаъм ва тўйимли маҳсулотларга юқори баҳо берилгани хусусида эшитдик. Қозоғистон ва Россияникидан қолишмайдиган сифатли унни Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.



**ЖАРАЁН**

“Андижондонмаҳсулот” акционерлик уюшмасида ун корхоналарини ва уруғлик буғдой тайёрлаш цехларини полипропилен қоплар билан таъминлаш мақсадида “Сервис Анд Трайд” шўъба корхонаси ташкил этилганди. Бу жойда уч сменада 45 киши ишлаётир. Бир кеча-кундузда 10 минг дона полипропилен қоп тайёрланаётир. Бу хайрли иш натижасида ун маҳсулотларининг таннархи камайди.

“Асака нон” корхонасининг вилоят аҳолисига сифатли нон ва булочка маҳсулотлари етказиб беришда ўз ўрни бор. 25 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган корхонада 18 хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Нонларнинг сифатидан харидорлар ҳам мамнун.

Семинар-кенгаш иштирокчиларини Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов самимий табриклади. Ҳоким янги тегирмонни ишга туширилиши мисли кўрилмаган иш бўлганлигини, вилоят иқтисодиётида “Намангандон-маҳсулот” акционерлик жамияти корхоналарининг ўрни муҳимлигини, ғалла ўрим-йиғими бошланиши арафасидаги бундай йиғилиш одамларга кўтаринкилик бахш этишини алоҳида таъкидлади. Ғаллазорларда ҳар йилгидан ҳам мўлроқ ҳосил етишаётгани, вилоят ғаллакорлари бу йил ҳар гектар майдондан ўртача 50 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлигини эшитиб қувондик.



Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 майдаги “2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Дон хирмонлари ва майдончалари, дон тозалаш қурилмалари, донни дастлабки қайта ишлаш бўйича бошқа воситалар, шунингдек, бошоқли дон экинлари ҳосилини қабул қилиб олиш учун дон қабул қилиш пунктлари ва элеваторлар тайёрлиги айтилди.

“Ўздонмаҳсулот” Давлат акционерлик корпорацияси раиси Икромхон Нажмиддинов мамлакатимиз 2002 йилдан тўлиқ дон мустақиллигига эришганини таъкидлади. Тармоқдаги ютуқлар билан бирга долзарб муаммолар хусусида гапирди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда тизим тармоқларида ишлаб чиқарилаётган нон, макарон, қандолат маҳсулотлари бозор талабларидан орқада қолаётир, шу боисдан ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқёслари ўсиш даражаси паст. Айниқса, аҳолига сифатли ва турли хил нон маҳсулотлари етказиб беришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Аввалги йиллари айрим вилоятларда корпорациянинг руҳсатисиз ўзбошимчаликлар билан дон қабул қилиш пунктлари очилгани танқид қилинди. Ғалла етиштириб топширувчилар билан имзоланаётган контрактация шартномалари жуда чуқур таҳлил қилиниб тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Сифатсиз дон қабул қилиш нафақат тизим корхоналарига, балки ғалла етиштирувчиларга ҳам катта иқтисодий зарар келтиради. Ўтган йили Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида минглаб тонна сифатсиз ғалла қабул қилиб олинган.

Дон маҳсулотларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун масъул экспедициялар фаолиятини жонлантириш, ҳашаротлар, сичқон ва каламушларга қарши курашиб ғалла нобудгарчилигини олдини олиш керак. Айниқса, уруғликни дорилаш ишлари жуда муҳим.

“Ўздавдонинспекция” бошлиғининг биринчи ўринбосари Маматисоқ Ғофуров буғдой етиштириш ва уни қайта ишлаш оғир ва машаққатли, аммо шарафли иш экани, ҳар жабҳада ишга виждонан кўпчилик манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиш, ғаллани қабул қилиш жараёнида лаборатория ходимларига шарт-шароит яратиш ва уларнинг фаолиятини қаттиқ назоратга олиш, элеваторлар масъул раҳбарларини масъулиятини ошириш хусусида фикр билдирди.

Семинар қатнашчилари Қўқон, Асака, Андижон, Олтинкўл, Учқўрғон, Ҳаққулобод, Наманган ва Тўрақўрғондаги турдош корхоналардаги андоза олишга арзийдиган тажрибалар билан танишдилар. Айниқса, “Учқўрғондонмаҳсулотлари” акционерлик жамиятидаги спорт ва соғломлаштириш борасидаги қилинган ишлар уларда яхши таассурот қолдирганлигини таъкидлашди.

Хуллас, ғалла ўрим-йиғими олдидан ўтказилган бу тадбир жуда фойдали бўлди. Юртда тинчлик, тўкинчилик, арзончилик бўлса шундай диййдорлашувлар ярашаверади.

Доимо дастурхонларимиз нозу неъматларга, хирмонларимиз ғаллага тўлиб-тошаверсин.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустамжон УММАТОВ, “Қишлоқ ҳаёти” махсус мухбирлари .**

**Турғунбой МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## “Эгамберди карвон”

**ИСЛОҲОТ**

***Ўртачирчиқлик фермер Маҳмуд Эгамбердиевдан:***

***-Нима учун хўжалигингизни “Эгамберди карвон” деб атадингиз? – деб сўрадик.***

У негадир ўйланиб қолди. Хаёлини бўлгим келмади. Шамолда оҳиста тебранаётган ям-яшил буғдойзорларни, тобора тўлишаётган бошоқларни кўздан кечираётиб, суҳбат аввалида Маҳмуд ака гапириб берган фермер хўжалигининг ўтган йилги кўрсаткичлари яна бир-бир кўз ўнгимда жонланди. 2002 йилда 120 гектар ердан 750 тонна дон саранжомланганди. 185 тоннага яқин буғдой хўжалик ишчиларига арзон нархларда сотилди. Пахтазорлардан 297 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. 8 гектардан 39 тонна шоли, 2,1 тонна пилла ҳосили етиштирилди. Қолган майдонларга озуқабоп экинлар экилди. Хўжаликка бириктилган 356 гектар майдоннинг бир қаричи ҳам бўш қолмади.

Хуллас, йил Маҳмуд ака учун омадли келди. Хўжалик тасарруфидаги қорамоллар ва қўй-эчкилар сони режадагидан ошиб кетди.

-Ер - Парвардигорнинг неъмати, - дейди Маҳмуд ака далаларга ўйчан термулиб. - Фермер бўламан, деб ер олгач, уни уддалаш ҳам керак.

Деҳқонга хос самимият билан айтилган бу гапда катта маъно бор. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида фермер хўжаликлари фаол иш олиб бораётганини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Фермерлик ҳаракати ҳаётимизга янгиликлар олиб кираётгани, илғор усулларнинг амалда татбиқ этилаётгани айни ҳақиқат. Аксарият фермерлар ўз қўл остидаги ишчиларнинг моддий таъминоти устида бош қотиришдан ташқари ўзлари яшаётган қишлоқ аҳлининг фаровонлиги учун ҳам ҳисса қўшишмоқда.

- 1995 йилдан бери хўжаликни бошқараяпман, - дея суҳбатни давом эттирди Маҳмуд ака. – Топшириқларни ортиғи билан бажарамиз, лекин негадир булардан кўнглим тўлмайди. Етарлича чопиқ ва ҳайдов тракторлари, юк ва енгил машина бор. Ишчиларимизнинг ўртача иш ҳақи 50 минг сўмгача боради.

Маҳмуд ака негадир хўжалик ишчиларига бозордан анча арзон нархда гўшт, сут, шоли берганини, 17-мактаб, 9-сонли болалар боғчасини ўз оталиғига олганини, маҳаллага 1,5 километр газ, 500 метрга ичимлик суви олиб келганини, ногиронларга ва кам таъминланган оилаларга мунтазам моддий ёрдам бераётгани ҳақида гапирмади. Биз бу маълумотларни туман ҳокимлигидан олдик.

Кези келганда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардик.

Ўрта Чирчиқ туманида Маҳмуд ака сингари эл дастурхонини тўкин қиламан деган фермерлар кўп.Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари Комил Раззоқовнинг сўзларига қараганда ўтган йилда улар 51,7 тонна гўшт, 1083,3 тонна сут маҳсулотлари етиштирган. 162 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан 13501,3 тонна дон тайёрланди. 25,3 тонна кумуш тола етиштирилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги ёрдами билан ўтган йил давомида керакли миқдорда минерал ўғитлар келтирилди. Туманда чигитнинг маълум қисми Андижон усулида экилиши ҳисобга олиниб, 34,5 тоннага яқин плёнка олиб келинди.

Суҳбатимиз ниҳоясида “Ҳали фермер хўжалигимизни нега “Эгамберди карвон” деб атаганимни сўрагандингиз, - деди Маҳмуд ака. – Раҳматли отамнинг исмлари Эгамберди эди. У киши эл орасида Эгамберди карвон дея довруғ солганлар. Падари бузрукворимиз хотирасига хўжалигимизга ҳам ана шундай ном бердик. Ота номини улуғлаб кам бўлганимиз йўқ.

Ўрта Чирчиқ тумани далаларидан қайтаётганимизда анча кеч тушиб қолганди. Эртага бошланажак янги кун Маҳмуд ака ва у сингари кўплаб заҳматкаш фермерлар учун олам-олам меҳнат қувончи-ю, ташвишларини олиб келади. Инсон доимо ўз ишларидан кўнгли тўлмайди, ютуқлардан қониқмайди. Шунинг учун ҳам хонадонидан қут-барака, дастурхонидан ризқу-насиба аримайди.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

***Техника воситаларига дахлдор мутахассислар, оддий механизаторлар яхши билишади: ҳар бир трактор, экскаватор, автомашина, комбайндан фойдаланиш муддати бўлади. Уни қанча вақт ишлатиш кўзда тутилганлиги ўша техника воситасини ишлаб чиқарган корхона томонидан илова қилинган ҳужжатларда қайд этилади. Шунга мувофиқ айримларидан 8-10 йил, баъзиларидан 12-14 йил фойдаланилиши ёзиб қўйилади.***

## “Узросдизель” таклиф этади

**ҚЎШМА КОРХОНА**

Ана шу муддат давомида ҳар бир техника воситаси жорий ва капитал таъмирланади, двигатели, узел ва деталлари алмаштирилади. Бу жараён ўша трактор ёки автомашина билан қанча ҳажмда иш бажарилишига ва ундан қандай фойдаланилишига боғлиқ бўлади. Бир сўз билан айтганда, техника воситаларини ишлатадиганлар доимо алмаштириладиган двигателга, узел ва деталларга, бошқа қисмларга катта эҳтиёж сезадилар.

Мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки пайтда, аниқроғи, 1992-1995 йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида техника воситалари, уларнинг



эҳтиёт қисмларига катта тақчиллик сезилди. Чунки аввал мавжуд бўлган ўзаро алоқалар тўхтаб қолган, янги ҳамкорлик ҳали йўлга қўйилмаганди. Бу ҳолат тармоқ ходимларига катта қийинчиликлар туғдирди. Республика ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, кўплаб тадбиркорларнинг ҳамкорлик алоқаларини тиклаш йўлидаги амалий ишлари туфайли техника воситалари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш аста-секинлик билан бўлса-да, изга туша бошлади. “Узросдизель” Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси ҳам ана шундай изланишларнинг самараси сифатида юзага келган бўлиб, бугунги кунда бу жамоа мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига двигателлар, эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

-Қўшма корхонамизнинг Низом жамғармаси 200 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиб, дастлабки шаклланиш даврида бирмунча қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди, - дейди “Узросдизель” ижрочи директори Леонид Брониславович Эйсмонт. – Кўп ўтмай жамоамиз оёққа туриб олди. 2001 йилнинг иккинчи ярмида ширкатлар ва фермер хўжаликларига 150 та трактор двигателларини етказиб берган бўлсак, 2003 йилнинг дастлабки тўрт ойидаёқ бу кўрсаткич 300 тани ташкил этди. Бундан ташқари йил бошидан бери 200 миллион сўмдан зиёд эҳтиёт қисмларни сотдик.

Ушбу қўшма корхона Россиядан келтирилган двигателларнинг узел ва деталларини йиғиш, тракторларнинг мой насосларини тайёрлаш ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан шуғулланмоқда. Ана шу ишларни адо этишда токарь Валерий Ченцов, йиғувчи-чилангар Леонид Орлов сингари тажрибали ишчилар бор маҳоратларини ишга солишиб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

-Биз кўзлаган мақсадимизнинг дастлабки поғонасидан ўтганимиздан сўнг пиллапоядан янада юқорилашни кўзлаяпмиз, - дейди Л.Эйсмонт. – Ўзбекистон деҳқонлари, йўлсозлари, ирригатор ва мелиораторларига зарур бўлган техника воситаларини янада кўпроқ етказиб бериш ниятида янги-янги режаларни ҳаётга татбиқ этаяпмиз. Россиядаги техника воситалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан бири – “Уралвагонзавод” билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Ана шу жамоа қўшма корхонамизни ривожлантиришга 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя қўшиш ниятида. Ярим йил муқаддам бу заводдан “ЭО-51-26” русумли экскаватор олиб келинди. Ҳозирги пайтда синов-тажриба тариқасида уни ишлатиб кўриляпти. Агар шундай техника воситаси Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитига мослиги мутахассислар томонидан ижобий баҳоланса, кейинчалик бундай экскаваторларни йиғишни йўлга қўямиз. Келажакда “Минск трактор заводи” билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишни дилимизга тугиб қўйганмиз.

Суҳбатдошимиз Леонид Брониславович Эйсмонт Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг жонкуярларидан бири саналади. У 1969 йилдан 32 йил давомида Тошкент трактор заводида самарали фаолият кўрсатди. Доимо изланиши, янгиликка ўчлиги билан конструктор ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Қўшма корхона ташкил этилишига бош-қош бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари етказиб берилишига муносиб улуш қўшмоқда. У



етакчилик қилаётган жамоанинг ниятлари катта. Ана шу эзгу орзуларнинг ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Муаттар ҒАФУРОВА**

## “Ўзбалиқ” компанияси акциядорлари диққатига!

*“Ўзбалиқ” акциядорлик компанияси ўз акциядорларини 2003 йил 23 июн куни, соат 10.00 да ўтказиладиган умумий йиғилишига таклиф этади.*

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.Кузатув кенгаши ҳисоботини эшитиш;**
**2.Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш;**
**3.Бошқарув органининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи;**
**4.2003 йил бизнес режасини тасдиқлаш;**
**5.Тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш;**
**6.2002 йил соф фойдаси тақсимоти;**
**7.Бошқарув органи билан 2003 йилга шартнома муддатини узайтириш;**
**8.Умумий йиғилиш, Кузатув кенгаши, ижро органи тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

## Айритом дон қабул қилиш очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Айритом дон қабул қилиш акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши 2003 йил 18 июн куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.Жамият Бошқаруви раисини қайта сайлаш;**
**2.Жамиятнинг 2-эмиссия рисоласини қайта кўриб чиқиш;**
**3.Жамият акцияларининг қайта тақсимланган қисмини савдога чиқариш.**

**Манзил: Чироқчи туман, Айритом темир йўл бекати, Айритом дон ОАЖ биноси.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

## Етти иқлимдан бир шингил

### ВАЗИЯТ КЕСКИН

***Якшанба куни Қуддус шаҳрида юз берган террор актларидан сўнг, Исроил армияси Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторини ёпиб қўйди ҳамда фаластинликларнинг Исроил ҳудудига киришларини чеклади.***



Бундай тақиқнинг жорий этилишига террор ҳуружи туфайли 7 киши ўлгани, 20 кишининг жароҳатлангани сабаб бўлган. Маълум бўлишича, террорчи-камикадзе автобусга чиққанидан сўнг, портловчи моддани ишга солган. Жиноят жавобгарлигини эса ХАМАС ташкилоти ўз зиммасига олган. Фожиа юз берганидан сўнг, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ушбу ҳафтада Вашингтонга режалаштирилган сафарини қолдирди ва хавфсизлик тизими раҳбарлари билан мамлакатдаги вазият бўйича кенгаш ўтказди. Шанба куни эса тинчлик жараёнларини тиклаш мақсадида Ариэл Шарон ва унинг фаластинлик ҳамкасби Маҳмуд Аббос учрашуви бўлиб ўтган эди.

### ГУМОНДОРЛАР УШЛАНДИ

***Марокаш полицияси Касабланка шаҳрида юз берган портлашда гумон этиб, 33 кишини ҳибсга олди, дея хабар беради “Ассошиэйтед-Пресс” агентлиги.***



Ўтган жума куни террорчи-камикадзелар томонидан Марокашдаги яҳудийлар маркази, Испания ресторани ва клуби, шаҳардаги меҳмонхоналардан бири ҳамда Бельгия консулхонаси олдида содир этилган портлашлар туфайли камида 41 киши ҳалок бўлиб, 100 дан ошиқ киши жароҳатланган эди. Адлия вазири Муҳаммад Бузабанинг айтишича, террор актларида исломий фундаменталистларнинг, хусусан “Ассирот ал-Мустақим” гуруҳи аъзоларининг қўли бор. Ички ишлар вазири Мустафо Соҳил Ар-Риёддаги портлашлар билан Касабланкадаги фожиа ўртасида кўп ўхшашликлар борлигини урғулаган бўлса, қирол Муҳаммад VI жабрланганларнинг давлат томонидан бепул даволанишларини маълум қилган.

### АСИРЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

***“BBC News”нинг хабар беришича, узоқ вақт тутқунликда ушлаб турилган 20 нафар ҳиндлар Покистоннинг бош вазири Зафарулло Жамоли буйруғи билан озод этилганлар.***



Улар орасида икки йил аввал Покистон сув ҳудудига кирганидан кейин, қирғоқни қўриқлаш хизмати томонидан ҳибсга олинган 14 кишилик экипаждан иборат кема ҳам бор. Собиқ маҳбуслар икки давлат ўртасидаги ягона очиқ йўл орқали Ҳиндистон ҳукуматига топширилганлар. Кашмир можароси сабаб ўзаро муносабатлари кескинлашган ядровий қуролга эга бу икки давлатлар бугун яна алоқаларни қайта тикламоқдалар. Яқинда эса Ҳиндистон ва Покистон ўзаро дипломатик алоқаларни тиклаб, элчиларини тайинлашган эди.

### ИНДОНЕЗИЯДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР

***Япония пойтахти Токиода Индонезия ҳукумати ва “Ачех озодлиги ҳаракати” исёнчилари ўртасида кечган музокаралар натижасиз якунланганидан сўнг, Индонезия президенти Мегавати Сукарнопутри Ачех вилоятида кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатлар бошлашга буйруқ берди.***



Ҳозирда Ачех вилоятида мамлакат қуролли кучларининг 45 минг кишилик контингенти операцияларни бошлаган бўлса, уларга 5 минг атрофидаги исёнчи кучлар қаршилик кўрсатмоқдалар. Исёнчи кучларнинг Ачех мустақиллиги учун ҳукумат қўшинлари билан қарийб 30 йилдан буён давом этаётган қуролли тўқнашувлари туфайли, ҳозирга қадар 10 мингга яқин киши ҳалок бўлган, дея хабар беради “Рейтер” агентлиги.

### ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

***“Новости” ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Шри-Ланка жанубида юз берган сув тошқини туфайли 140 киши ҳалок бўлиб, кўпчилик бедарак йўқолган.***



Мамлакат пойтахти Коломбодан 100 километр жанубий-шарқда жойлашган Ратнапур шаҳридаги 100 мингга яқин аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган. Маҳаллий ҳокимликнинг билдиришича, 300 та қишлоқ жиддий зарар кўрган. Шри-Ланка ҳукумати эса Ҳиндистондан қутқарувчилар ва бу борадаги зарур жиҳозлар юборишини сўраган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 20 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 636,87 | 1 Польша злотийси | 259,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1581,22 | 1 СДР | 1362,57 |
| 1 Дания кронаси | 152,88 | 1000 Туркия лираси | 0,65 |
| 1 БАА дирхами | 264,19 | 1 Швейцария франки | 749,58 |
| 1 АҚШ доллари | 970,25 | 1 ЕВРО | 1134,71 |
| 1 Миср фунти | 163,34 | 10 Жанубий Корея вони | 8,13 |
| 1 Исландия кронаси | 13,42 | 10 Япония иенаси | 84,11 |
| 1 Канада доллари | 715,26 | 1 Россия рубли | 31,41 |
| 1 Хитой юани | 117,22 | 1 Украина гривнаси | 181,93 |
| 1 Малайзия ринггити | 255,36 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

ТАЪЛИМ

***Сухор - Бухоронинг қадимий қишлоқларидан бири. Бу ерда азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган. Унда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари Мир Кулол яшаб ўтган. Истиқлол йилларида унинг мақбараси обод этилди. Бой маънавий мероси ҳақида рисолалар ёзилди.***

-Табаррук зотлар яшаб ўтган масканда иқтидорли болалар мактаб-интернатини очишни даврнинг ўзи тақозо этди, - дейди Когон туман халқ таълими бўлими мудири Зубайдулла Абдуллаев. – 2000 йилдан бошлаб Янгиҳаёт қўрғонида ана шундай билим даргоҳи ўз фаолиятини бошлади.

Ижтимоий ва иқтисодий йўналишлардаги фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган бу мактаб-интернатда ҳозирда 133 нафар иқтидорли ўқувчи таълим олаяпти. Билим даргоҳида улар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларга тўрт маҳал бепул овқат берилади. Билим бериш самарадорлиги эса кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида мактаб-интернати битирувчиларидан 24 нафари олий ўқув юртларига кирди.

Жорий ўқув йили ҳам мактаб-интернати жамоаси учун омадли кечди. "Аждодлар мероси ва бой тарихимиз – буюклик рамзи" анъанавий республика кўрик-танловида мактабнинг "Сухор" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Билим масканида сабоқ олган ёшлар француз тили бўйича олимпиадаларда бир неча маротаба ғолибликни қўлга киритган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



МЕН ГУЛЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН.
Р.ХАЙИТОВ олган сурат-лавҳа.

## РАҚС МАЛИКАСИ

***Пойтахтдаги Ибн-Сино марказида рақс санъатининг бетакрор намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти, машҳур раққоса ва балетмейстр Муккарама Турғунбоева таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.***

Хотира кечасида таниқли санъаткорлар, фан, маданият арбоблари сўзга чиқиб, устозларининг ижобий хислатларини, шогирдларга нисбатан талабчанлиги ва меҳрибонлигини ёдга олишди.

## ТОШКЕНТ-МОНТАНА ТЕЛЕКЎПРИГИ

***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчилари ва АҚШнинг Монтана штати ўқувчилари ўртасида телеанжуман ўтказилди.***

Икки соат давом этган Тошкент Монтана телекўпригида Ўзбекистоннинг турли жойларидан келган ўқувчилар Американинг Монтана штатидаги тенгдошлари билан мулоқотда бўлишди.

Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ҳам иштирок этди. Ўқувчилар унга икки мамлакатнинг дўстона муносабатлари акс этган суратларни тақдим этишди.

Ўз навбатида элчи америкалик ўқувчилар билан мулоқотда бўлди. Замонавий электрон алоқани таълим жараёнида илк маротаба қўллаш ташаббуси АКСЕЛС халқаро таълим кенгашидан чиқди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ва "Ўзпакинтернет" провайдери бу жараёнда ташкилот билан ҳамкорлик қилди.

- Биз бундан кейин ҳам ўзбекистонлик ва америкалик ёшлар ўртасидаги бевосита мулоқотни янада кенгайтирамиз, - деди элчи Жон Хёрбст.- Бу эса ҳар иккала давлат ўқувчиларига янги дўстлар орттириши ва билимларини мустаҳкамлаш борасида янги имкониятлар эшигини очади.

**"Туркистон-пресс"**

(Боши 1-бетда)

Гурра кулги кўтарилди. Худди шу ҳолат, кайфият акс этган ўша сурат кейинчалик барча газета, журналларда, китобларда қайта-қайта чоп этилди. Афсуски, ўша суратда мен йўқман. Четда қолиб кетиб, "кадрга сиғмаганман". Лекин менда семинардан нимадир ёрқин хотира бўлиб қолган...

Уюшма фойесидаги китоб дўконидан Ғафур Ғуломнинг Миртемир муҳаррирлигида нашр этилган сайланмасини сотиб олган эдим. Шуни китоб муаллифига тутқаздим. Ғафур Ғулом, бу бола қаердан келиб қолди, дегандай, ғалати қараш қилиб, кўкрак чўнтагидан авторучка чиқарди:

-Отинг нима?

Айтдим.

У киши ниманидир ёзди.

...Кейин китобни очиб ўқисам, унга шундай дастхат битилган экан: "Иним Муҳаммаджон! Шоир бўлиб сен ҳам менга бир кун китоб совға қилишингни кутаман. Ғафур Ғулом".

Шодлиги дард билан турар қоришиқ,
Бу дунё гоҳ сахий, гоҳида ўжар.
Унинг ғамлари аччиқма-аччиқ,
Буюклар қаҳқаҳа уриб ўтдилар.
Таниш-нотанишга кўча-кўйда ҳам
Улашиб юрардинг тансиқ бир кулгу.
Шунча беғаммидинг шоири аъзам.
Наҳот, ўртамаган қалбингни қайғу?!
Йўқ, йўқ, ярашмайди сенга бу мутлоқ,
Имон-ишончингга энг содиқ эрсан.
Ҳар пасткашликдан ранжиганинг чоқ,
Балки, кулгунг билан йиғлагандирсан?!
...Ҳайрат-ҳаяжонда, бироз ийманиб,
Шогирдлар қошингда давра қурибди.
Суратдан боқасан, ана илжайиб,
Дўппи ҳам бошингда ярим турибди.
Ортда – шонли ўтмиш, суронли тарих,
Олдда – сир-синоат, умид ва ҳавас.
Илҳом марҳаматин тутмапти дариғ,
Шоир хушвақт эдинг ўша кун, сармаст!
Фақат билмас эдинг инжиқ шеърият,

# ДАСТХАТДАГИ ЭЗГУ ТИЛАК

Ўша кун семинар-кенгашда Ғафур Ғулом маъруза қилди. Шоирнинг куйиб-ёниб ёш ижодкорларни илмли бўлишга, тил ўрганишга даъват этгани кечагидек ёдимда. - Шарқ зиёлиси учун камида тўрт, яъни она тилидан ташқари араб, форс, турк тилларини билиш қарзу фарз саналган, деган эди ўша маърузасида Ғафур Ғулом. - Мен Бедилни, Ҳофиз Шерозийни, Фирдавсийни аслидан мутолаа қиламан. "Минг бир кеча"ни, "Қўрқинчли Теҳрон"ни аслидан таржима қилганман. Душанбега борсам Мирзо Турсунзода билан тожик тилида гаплашаман. Самад Вурғун, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Сайфи Қудашлар билан гаплашадиган бўлсам, менга таржимоннинг кераги йўқ.

Сўзининг равон оқиб келаётганидан илҳомланиб кетган шоир шу ўринга келганда талтайиб, лофга ўтиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди:

-Керак бўлса арманча ҳам гаплаша оламан!

Бўлди кулги, бўлди кулги!

Ўлмас асарлари баробарида шоир ижодида замонасозлик руҳида ёзилган талай шеърлар ҳам борлигини яхши биламиз. Буни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта. Бу мураккаб давр, қалтис вазият тақозоси эди. Лекин диққат билан ўқилса, Ғафур Ғуломнинг ўша шеърларида ҳам нималардир бор. Ҳукмрон мафкура, "буюк шахслар" улуғланаётган бўлса-да, бу шеърларда қочиримлар, ташбеҳларда ўз қадриятлари, халқи, Ватанидан чексиз фахр-ифтихор туйғуларини туйиш бўй кўрсатади. "Шараф қўлёзмаси"нинг муқаддимасига эътибор беринг-а:

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган биринчи шеър бундан ўттиз йиллар муқаддам ёзилган, тўпламларимнинг биронтасига кирмаган. Мен бу шеърни қусурлардан холи демоқчи эмасман. Лекин Ғафур Ғуломдек буюк инсон билан биринчи ва охирги учрашувимдан хотира сифатида мен учун у жуда азиз.

Иккинчи шеърга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

* * *

Юрак – юрагингга зарба солганин.
Билмасдинг бу олам сенга ғанимат,
Умрингдан бор-йўғи бир йил қолганин.
Бийрон фотомухбир гирдикапалак,
Суратга оларкан у кун шошмасдан,
Биз уни этганмиз роса ҳам ҳалак,
Сохта жилмайишни эплай олмасдан.
Холис вазифангни ўтамоққа шай,
Ёрдамга шошгансан: - Жилмайинг, ахир,
Мана, мен кемтикман папиросимдай,
Анов сураткашнинг боши тап-тақир!
...Сохта хандаларга хушим йўқдир ҳеч,
Шоир, сурмагансан, бекорга қалам.
Қайғу-ҳасратингда бўлгандек севинч,
Баъзан кулгингда ҳам бор эди алам!
Соя солар экан баъзан юракка,
Камолин бус-бутун топмаган замон,
Мен сени чорлайман энди кўмакка,
О, буюк орзуманд, о, буюк инсон!
Холис вазифангни ўтамоққа шай,
Қошимга келасан: -Кулсанг-чи, ахир,
Мана, мен кемтикман папиросимдай,
Анов сураткашнинг боши тап-тақир...

* * *

Турсам ҳамки ҳузурида эгиб бўйин,
Ҳозиржавоб ақлим нажот – тутилмадим.
Кўнгиллари шеър тусабди, -эски ўйин! –
Сохта подшо, авлиёдан қутилмадим.
Қоним сиёҳ омонат жон довотида,
Ёзаяпман, хаёлимда ўзга олам...
Олиб учган мени илҳом қанотида,
Сенсан, юртим, сенсан элим, сенсан болам!
Бўйнимдадир сўз савоби, ҳам гуноҳи,
Бор бўл, ақл, меҳнат, кетай тасаддуғинг.
Чув туширди Ҳасан Кайфий яна шоҳни,
Бу шеърни сиз сарлавҳасини ташлаб ўқинг:
Ҳар бурда нон ҳурмати – сизни яхши кўрамиз,
Ҳар қултум сув ҳурмати – сизни яхши кўрамиз.
Тоза виждон ҳурмати – сизни яхши кўрамиз,
Не деяй сўзим ушбу - сизни яхши кўрамиз.

**Муҳаммад РАҲМОН**

# SPORT OLAMIDA

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНГАНДА

***Хоразм вилоятида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган "Умид ниҳоллари – 2003" мусобақаларининг финал босқичи қизғин паллага кирмоқда.***

Шуниси аҳамиятлики, спортнинг айрим турлари бўйича ўтаётган баҳсларнинг саралаш мусобақалари қизиқарли давом этаётган бўлса, айрим турлар бўйича ёш спортчилар эндигина саралаш баҳсларига киришмоқдалар. Енгил атлетика, сузиш, кураш, белбоғли кураш, бадиий гимнастика бўйича мусобақалар кескин ва муросасиз ўтаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Сузиш бўйича кечган баҳсларда навоийлик Олег Тищенкога дастлабки олтин медал насиб этди. Бадиий гимнастика турнирида Тошкент шаҳри жамоаси аъзолари карвонбошилик қилишмоқда. Волейбол беллашувларининг саралаш мусобақаларида эса биринчи ўринни яна пойтахт жамоаси вакиллари қўлга киритган бўлса, хоразмлик, наманганлик, самарқандлик, навоийлик ёш волейболчилар ҳам чорак финалда баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Қадим-қадимдан миллий спорт тури сифатида эъзозланиб, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ўзбек кураши беллашувлари ёшларимиз орасидан иқтидорли полвонлар кўплаб етишиб чиқаётганлигини намойиш этди. Ўз вазнлари тоифасида навоийлик, самарқандлик, қорақалпоғистонлик ҳамда бухоролик ёш полвонлар Исмоил Қурбонов, Сардор Абдураҳимов, Низомиддин Хўжабоев, Нурбек Искандаровлар "Умид ниҳоллари"нинг олтин медаллари эгасига айланишгани фикримизнинг яққол далилидир. Кўпчилик спорт мутахассислари бадиий гимнастиканинг чорак финал баҳсларида ғолибликка асосан Тошкент шаҳри, Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари жамоалари даъвогарлик қилишади, деб тахмин қилишганди. Аммо ушбу босқичда ғолиб бўлиш баҳсларга пухта тайёргарлик кўриб, уни кўтаринки кайфиятда ўтказаётган хоразмлик бадиий гимнастикачиларга насиб этди. Якка тартибдаги бадиий гимнастика учрашувларида Тошкент шаҳри вакили Рита Алимовага тенг келадиган рақиб топилмади. Қизлар ўртасидаги сузиш мусобақасида ҳам пойтахтлик Ольга Гнедовская биринчи, ўғил болалар иштирокидаги сузиш турнирида ҳам пойтахт вакили Даниэл Булгаковга омад кулиб боқди. Айни кунларда сузиш мусобақаларида биринчи ўринда пойтахт шаҳри вакиллари бораётган бўлишса, навоийлик ҳамда пойтахт вилояти сузувчилари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишмоқда.

Шунингдек, енгил атлетиканинг югуриш мусобақаларида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жамоалари аъзолари Юлия Тарасова, Евгений Тигбатуллинлар карвонбошилик қилишмоқда. Стол теннисига бўйича ўтаётган якка тартибдаги қизғин беллашувларда фарғоналик Темур Шерриев бошқалардан маҳоратли эканлигини исботлаб, пешқадамлик қилаётган бўлса, иккинчи, учинчи ўринларда Алексей Дугаев, Анвар Каримовлар боришмоқда. Стол теннисига мусобақасининг якка тартибдаги учрашувларида (қизлар ўртасида) Екатерина Левина пешқадам бўлиб турди. Хуллас, ҳали кураш олдинда.

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРГА – ТУҲФА

***Миллионлар ўйини – футболни болажонлар ўртасида янада оммалаштириш муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.***

Куни кеча Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида спорт мутасаддилари, ҳомийлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш юқоридаги масалага бағишланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу йиғилишда пойтахтда бу борада қилинаётган ишлар ҳамда муаммолар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар билдирилди, мутахассисларнинг таклифлари тинглан- ди. Баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида уюштирилган ушбу тадбирда болалар футболининг истиқболи юзасидан режалар белгилаб олинганлиги айни муддао бўлди. Дарвоқе, Тошкент шаҳар футбол федерацияси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимига спорт либослари, анжомлари ҳамда футбол тўплари туҳфа қилинганлиги тадбир қатнашчилари кўнглини шод этди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ДУО

***Қирдан эсаётган шаббода автобуснинг очиқ ойнасидан ичкарига оқиб кирар, узоқ йўлдан ҳориб келаётган йўловчиларга ором бағишларди. Йўловчилар ям-яшил қирларнинг гўзал манзарасини томоша қилиб борар, баъзилари ёқимли куй оғушида пинакка кетишганди.***

Олди ўриндиқлардан бирида ўтирган келишган йигит ёнидаги хушрўйгина хотинидан соат сўради шекилли, у билакузукли соатига эринибгина кўз ташлаб, жавоб қилди. Йигит миннатдорчилик билдирди. Уларнинг орқасида ўтирган икки йўловчи бир-бирига маъноли назар ташлаб: "зап юлдузи юлдузига тўғри келган эканми?", деб қўйишди.

ҚАТРА

Қирлар ортда қолди. Автобус шинамгина бир қишлоқда тўхтади. Шу чоқ болали аёл ва набирасини етаклаган кампир чиқди. Болали аёлга жой беришди. Кампир эса набирасини қўлидан ушлаганча бир муддат туриб қолди. Шу пайт соат сўраган йигит жой бўшатмоқчи бўлганида, ёнидаги жувон унинг қўлидан тортди:

-Э-э-э! Ўтирсангиз-чи, жой учун пул тўлаб қўйгансиз, қўлингизда чиптангиз бор!..

Ўрта ўриндиқдан кимдир кампирга жой берди.

-Раҳмат, болам, асло кам бўлманг, - кампир дуога қўл очди. – Сизга ҳам менга ўхшаб қарилик насиб қилсин. Мени ҳурмат қилдингиз, сизни Яратганнинг ўзи сийласин...

Автобус текис равон йўлда елиб борар, ойнадан кираётган ҳур-ҳур шабада ҳаммага бирдек ҳузур бахш этарди.

**Абдулаҳад ЎРМОНОВ,**
**Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси.**

# ҚАЗҒОҚДАН ҚУТИЛИШ МУМКИНМИ?

МАСЛАҲАТ

***Қазғоқ себорея касаллиги билан бирга пайдо бўлади. Бу касаллик ёғ безлари функцияси бузилганда юзага келади.***

Бунда тери ёғи жуда кўп ажралади. Себорея касаллигига одамнинг жисмонан толиқиши, асабнинг зўриқиши, нерв системаси, эндокрин безлар касалликлари сабаб бўлади. Ҳар бир одам углеводларни, мол ёғини, шўр нарсаларни кўп еганда тери ёғи ажралиши кўпаяди. Дерматолог ва косметолог врачлар себорея касаллиги бор кишиларга сервитамин таомлар ейишни, ширинликларни, ёғли ва шўр овқатларни камроқ тановвул қилишни тавсия қилади.

Ёғли себореяда тери таначалари ёпишиб кетади ва терига маҳкам ўрнашиб қолади, сочнинг ранги хунуклашиб кетади. Бундай сочни бир марта атир совун ёки ёғли соч учун чиқарилган шампун билан ювиш керак. Қуруқ себореяда соч мурт, ранги хира, қуруқ бўлади. Бош териси майда тери таначалари билан қопланади, сочни тараганда тўкилади. Бундай сочни хафтада бир марта ювиш керак.

Бош ювишдан бир соат олдин бош терисига илитилган ўсимлик мойи ёки дорихоналарда сотиладиган қариқиз мойи суртиш тавсия этилади. Қиркма темираткида, псориазда, тери силида ҳам тери пўст ташлайди. Қазғоқ пайдо бўлганда дерматолог врачга борган маъқул. Врач қазғоқ нима сабабдан пайдо бўлаётганини аниқлайди ва қазғоқдан қутилиш усулини айтиб беради.

**Хонбиби МАҲАМОВА**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

## ЎЛИБ-ТИРИЛИБ, ЁШАРГАН ОДАМ

***Омск шаҳри фуқароси 50 ёшли Михаил Меньшиков анча ёш кўринади. Бунинг сири бор.***

Икки мучал ёшида у бир ўлимдан қолган, сифатсиз ароқни ичиб заҳарлангач, эс-ҳушидан айрилиб, касалхонада бир ой ётиб даволанади. Нариги дунёнинг остонасидан қайтган Михаил қайта оёққа турганидан сўнг ўзида катта куч-қувват пайдо бўлганини сезади. Бироқ қон босими тушиб, уйқусизликка дучор бўлади. Машҳур олим ва мутахассис дўхтирлар ухламайдиган йигитнинг соғлиғини текширганда ундан ҳеч қанақа касаллик белгисини топиша олмабди.

## ГИННЕСГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚ – 44 МИЛЛИОН

***Лос-Анжелесдаги ўйин автоматидан ютиб олинган катта миқдордаги ютуқ рекордлар китобига қайд этилди.***

Шу шаҳарнинг 25 ёшли фуқароси 44 миллион доллар ютиб олди. Бу ютуқ аввалгиларидан беш миллион кўп экан. Ўйин автоматлари қўйилган отелнинг менежери ютуқнинг гувоҳи бўлган. Унинг айтишига қараганда, ёш йигит компьютер мутахассиси экан, биринчи ўйинга юз доллар қўйган экан.

"Мен ишга қайтишим керак, мени кутиб ўтиришибди", - деб такрорлабди 44 миллионни бир пастда ютиб олган Лос-анжелеслик йигит. Ўзини шу пайтда энг бахтли сезибди.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**



***Ўз даврининг фозилу, шоирлари томонидан шундай улуғвор таърифланган минора қадимий Хиванинг энг ажиб обидаларидан биридир. Хоразмликлар уни "Кўк Калта минор", "Кўк минор" деб ҳам аташади.***

# "ФАЛАК АЙВОНИГА ҚЎЙИЛГАН УСТУН"

МОЗИЙ

Кўпчилик ўртасида у "Калта минор" номи билан машҳур. Аслида Калта минор биз тилга олган Муҳаммад Аминхон мадрасаси олдидаги машҳур иншоот эмас, у ҳозирда шу номдаги маҳаллада жойлашган кичикроқ бир минора, холос.

Биз ҳозир "Кўк Калта минор" – Муҳаммад Аминхон минораси ҳақида мушоҳада юритмоқчимиз. Муҳаммад Аминхон (Хоразмда Мадаминхон дейишади) – Оллоқулихоннинг ўғли, 1846-1855 йилларда хонлик қилган. 1852-1855 йиллар ўртасида қурдирган мадраса Ичон қалъа ғарбий деворлари ёнидаги ансамблнинг муҳим қисми бўлиб, у инқилобдан олдин шаҳарда мавжуд бўлган 64 та мадрасанинг энг йиригидир. 130 ҳужрадан иборат бу даргоҳда 260 нафар талаба уч босқичда илм олган. Хон томонидан унга воҳадаги энг серҳосил далалардан 35325 таноб вақф ери ажратилган. Олинган даромад мударрис ва талабаларга қатъий кўрсатмалар асосида тақсимланган. Хонликда мадраса ёнида минора тиклаш ўзига хос анъана ҳисобланарди. Шу боис Мадаминхон мадрасасининг бир четида қадама ложувард нақшли Кўк Калта минорнинг бақувват асоси қад ростлайди. Мадаминхон уни Ўрта Осиёда энг баланд ва чиройли минора бўлишини орзу қилгани учун асосининг диаметри 14,2 метр қилиб белгиланган. Хива тарихчиларининг ёзишича, минора бутун мусулмон Шарқидаги энг муҳташам иншоот бўлиб қолиши керак эди. Бироқ баландлиги 26 метрга етганида қурилиш тўхтаб қолади. Мана у бир ярим асрки, кўкка бўй чўзган орзу-армонлар тимсоли каби Хивага кўрк бериб турибди. У ҳақда қанчалаб ривоятлар тўқилган. Шеър ва достонлар битилган.

Ривоят қилишларича, соҳиби салтанат қўл остидаги сараланган меъмору ўймакорларни ҳузурига чақириб, "Шундай бир минора қурингки, тепасидан Бухорои шариф кўриниб турсин", - дея фармон беради. Хон амри – вожиб. Жадаллик билан иш бошланади. Бундан хабар топган Бухоро амири бош меъмор билан яширин алоқа боғлайди, яъни минора битгач, уста Бухорода бундан ҳам юксак минора қуришга сўз беради. Амир эса бунинг эвазига ҳаддан зиёд олтин ваъда қилади. Хива хони обида битган куни меъморни ўлдиришни кўнглига тугадики, токи бошқа жойда бундай минора тикланмасин. Шум ниятдан хабар топган уста ўзига қанот ясаб, кўздан ғойиб бўлганмиш. Ҳатто бу ҳақда халқ орасида

**Мадрасаси битди, минор битмади,**
**Мадаминхон мақсадига етмади,**

деган байт ҳам юради.

Ҳақиқат эса тамоман бошқача. Минора ўз кўрки ва салобати билан замонасида Ўрта Осиёда ягона бўлиши ҳақидаги фикрлар бор. Негаки, 14,2 метрлик айлана пойдор устига тикланадиган миноранинг баландлиги 70-80 метрга бориши режалаштирилган. Хивадаги 15 та миноранинг энг улкани – Исломхўжа минорасининг пастки айланаси 9 метрни, узунлиги 56,5 метрни ташкил қилади.

Улуғ ниятлар билан бошланган обида 26 метрга етган вақтда Эрон устига қўшин тортган Мадаминхон Сарахснинг Қорли тепа деган манзилида қўзғолон кўтарган овбошлар томонидан асир олинади ва қатл қилинади. Табиийки, бу воқеадан сўнг минора қурилиши ҳам тўхтайди.

Беш ойдан кейин тахтга 17 яшар Қутлуғмурод чиқади. У жуда қисқа муддат юрт сўрагандан сўнг, арконидавлат маслаҳати билан тахтга кўтарилган Оллоқулихоннинг иниси Сайид Муҳаммад 1855-1864 йилларда хонликни бошқаради. Мамлакатда осойишталик ўрнатади. Шундан сўнг сарой аҳли ўртасида қурилиши тўхтаган минора масаласи ўртага ташланади. Шунда Сайид Муҳаммадхон "Келинг, шу бошсиз минора боши кесилган оғамизга ўрнатилган ёдгорлик бўлиб қолсин", - дея қарор қилади ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳазратлари ҳам бунга қатъий амал қилади. Хуллас, минора шу кўринишда қолади.

**Комил АВАЗ,**
**Холмурод ҚУРБОНОВ.**


Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "VOSITACHI SAVDO" улгуржи-чакана савдо ишлаб-чиқариш жамоа корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 56-57-16.

Тошкент шаҳридаги "BEKOBOD SEMENT" SAVDO-TA'MINOT шўъба корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 94-37-91.

Тошкент шаҳридаги 8-ҳунар-техника билим юрти томонидан 1994 йили Афонин Виталий Владимировичга берилган АУ № 006269 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги "ECO-ARGO" нодавлат нотижорат ташкилоти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Манзил: Лутфий кўчаси, 6-уй, 8-хонадон. Тел.: 78-53-03.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 133-мактаб томонидан 2002 йили Аблайханова Зулфия Ҳусановнага берилган O'R-A № 1152487 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер № 07-01/8938 от 28.02.93 г. права собственности Клюшникова Сергея Александровича на квартиру, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 10-01/17083 от 18.03.93 г. права собственности Мирзаходжаевой Акидахон Турабовны на квартиру, считать недействительным.


"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Сирдарё вилояти бўйича мухбир Шомурод Холмуродовга онаси
**ИНОБАТ АЯ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти "Пилла" акциядорлик бирлашмаси жамоаси Ўрта Чирчиқ тумани "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси раиси Солижон Тожиевга акаси
**Пўлат ТОЖИЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар



ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй



Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6



E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com